БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган

1990 йил 24 март Шанба № 57 (13.493). Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ •

Жумҳурият янгиликлари

✦ САМАРҚАНДДАГИ «Красний двигатель» заводида «камёб мол» ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Бу ерда ишлаб чиқарилиб, харидорларни қувонтираётган қумғонлар, товалар, чойнаклар ёнига қозон ҳам қўшилди. Харидорларнинг илтимосларига кўра, бундай қозонларнинг сиғими 10 литргача қилиб тайёрланмоқда. Бу маҳсулотнинг дастлабки туркуми жумҳурият савдо тармоғига етказиб берилди.

* * *

✦ ИТАЛИЯНИНГ «Бомбелли» ва Ғарбий Германиянинг «Пфафф» фирмаларидан сотиб олинган хорижий техника Андижон пойабзал ишлаб чиқариш бирлашмасига жаҳон даражасига кўтарилишда ёрдам беради. Аёлларнинг этикчаларини ишлаб чиқарувчи линияни ўрнатишни Олмаота созлаш-ишга тушириш станциясининг созловчилари ўз зиммаларига олдилар. Фабрикага ҳозирнинг ўзидаёқ ускуналар жойлаштирилган дастлабки контейнерлар келтирилди.

* * *

✦ ЎЗБЕКИСТОН ССР Автомобиль транспорти ва йўл хўжалиги нозирлигининг навбатдаги сайёр коллегияси Наманган вилоятида кўчма машғулот ўтказди. Нозирлик ва бирлашмаларнинг раҳбарлари автохўжаликларда бўлиб, «Наманганганстранс» бирлашмаси ходимларининг меҳнат, маиший ва дам олиш шароитларини яхшилаш юзасидан олиб борилаётган ишлар тажрибаси билан яқинроқ танишиш имкониятига эга бўлдилар. Улар даволаш-соғломлаштириш комплексларида, психологик ҳордиқ хоналарида, ошхоналарда, маиший хизмат кўрсатиш жойларида, автокафеларда бўлдилар. Ходимларга кўрсатилаётган ғамхўрлик пировард натижада жумҳурият тармоқ мусобақасида бир неча бор ғолиб чиққан наманганлик автотранспортчиларнинг меҳнати натижаларига яхши таъсир қилмоқда.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Пленуми тўғрисида

ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1990 йил 23 март куни Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг XIX пленуми бўлиб ўтди. «КПСС Марказий Комитетининг 1990 йил февраль ва март Пленумлари якунлари ҳамда КПСС XXVIII съездига ва Ўзбекистон Компартияси XXII съездига тайёргарлик кўриш юзасидан республика партия ташкилотларининг вазифалари тўғрисида» Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. А. Каримов доклад қилди.

Пленум Ўзбекистон Компартияси XXII съездини чақириш муддати, унинг кун тартиби ва унга делегатлар сайлаш тартиби тўғрисидаги ҳамда ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессиясига Ўзбекистон ССР Конституцияси (Асосий Қонуни)га ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни киритиш ҳақидаги масалаларни кўриб чиқди.

Доклад ва кун тартибидаги бошқа масалалар юзасидан музокараларда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси М. И. Иброҳимов, Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Мамарасулов, «Узсельстройиндустрия» тресті Термиз бинокорлик конструкциялари комбинатининг кранчиси Е. М. Мордвинова, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари Д. Д. Берков, В. И. Ленин номидаги Олмалиқ кон-металлургия комбинати мис эритиш заводининг электр монтёри С. Ҳ. Ҳайитматов, Қорақалпоғистон область партия комитетининг биринчи секретари С. Д. Ниетуллаев, ТошДУ кафедра мудири Л. П. Қаюмов, Бухоро область партия комитетининг биринчи секретари Д. С. Едгоров, пенсионер Ҳ. Ёқубжонова, «Қишлоқ ҳақиқати» — «Сельская правда» газетасининг муҳаррири А. Ғ. Мухторов, Ўзбекистон ССР халқ назорати комитетининг раиси Б. Ф. Сатин, Самарқанд область партия комитетининг биринчи секретари П. М. Абдураҳмонов ўртоқлар сўзга чиқдилар.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси масалалари ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари А. С. Ефимов ахборот берди.

Муҳокама қилинган ҳамма масалалар юзасидан Пленум тегишли қарорлар қабул қилди.

Пленумда Самарқанд область партия комитетининг собиқ биринчи секретари ўртоқ Н. Р. Ражабовнинг аризаси кўриб чиқилди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Бюроси ўзининг 1988 йил 19 октябрдаги ва 6 декабрдаги қарорларини асоссиз деб бекор қилганлигини эътиборга олиб, Пленум Марказий Комитет XII Пленумининг ўртоқ Н. Р. Ражабов хусусидаги 1988 йил 7 декабрь қарорини бекор қилди ва уни КПСС сафига, шунингдек, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг составига тиклади.

Шу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг Пленуми ўз ишини тугаллади.



Қашқадарё вилоятидаги Китоб ип-йигирув ва тўқув фабрикаси жамоаси ўтаётган йилнинг дастлабки квартали режа-топшириқларини яхши натижалар билан уддаламоқда. Корхонада меҳнат интизомининг яхши йўлга қўйилганлиги, ички резерв ва имкониятлардан оқилона фойдаланилаётганлиги туфайли ҳам эришилаётган ютуқлар салмоқли бўлаётир. Ана шу ишларнинг ҳаммасида фабрика ёшларининг улуши сезиларли бўлмоқда. Комсомол аъзоси Гуллола Раҳимжонова ана шундай ўровчилардан биридир. Гуллола ойлик топшириқларини муттасил 105—110 фоизданга бажариб, тенгдошларига ўрнак кўрсатмоқда.

СУРАТДА: Г. Раҳимжонова.

Э. ҚУЛМУРОДОВ олган сурат.

ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг пленуми

Пайшанба куни Москвада ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг X пленуми ўз ишини бошлади.

Пленум ишида ВЛКСМдан сайланган СССР халқ депутатлари, иттифоқдош жумҳуриятлар ЛКСМ Марказий Қўмиталарининг биринчи, иккинчи котиблари, ўлка, вилоят, мавзе комсомол қўмиталарининг биринчи котиблари, РСФСР ЛКСМ ташкилий қўмитасининг аъзолари, Қуролли Кучлар турлари ва хиллари, мавзелар, қўшинлар ва флотлар гуруҳларининг комсомол иши бўйича сиёсий бошқармалари ва сиёсий бўлимлари бошлиқларининг ўринбосарлари, ВЛКСМ Марказий Қўмитаси бўлимлари ва бўлинмаларининг, марказий ёшлар оммавий ахборот воситаларининг раҳбарлари қатнашмоқдалар.

Пленумга Москва шаҳридаги ноҳия комсомоли қўмиталарининг биринчи котиблари, жумҳуриятлар, ўлкалар, вилоятлар комсомол ташкилотларининг тафтиш комиссияларининг бир қатор раислари таклиф этилган.

Пленум қуйидаги кун тартибини тасдиқлади:

1. ВЛКСМ XXI съездининг масалалари ва ҳужжатлари тўғрисида.
2. ВЛКСМ XXI съездини ўтказиш билан боғлиқ бўлган баъзи бир масалалар тўрисида ахборот.
3. ВЛКСМ Марказий Қўмитаси янги таркибида комсомол ташкилотларининг назарда тутилаётган вакиллигини ўзгартириш тўғрисида.
4. Турли масалалар.
5. Ташкилий масалалар.

Кун тартибининг биринчи масаласи юзасидан:

— ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг ҳисоботи, ВЛКСМ Ҳаракатномасининг мақсадлари лойиҳаси тўғрисида — ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Мироненко;

— ВЛКСМ Устави лойиҳаси тўғрисида — ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби В. Зюкин;

— ВЛКСМ Марказий назорат комиссияси ҳақида Низом лойиҳаси тўғрисида ВЛКСМ Марказий тафтиш комиссиясининг раиси Н. Кликов ахборот бердилар.

Музокараларда: ВЛКСМ Марказий Қўмитаси ташкилий бўлимининг мудири В. Чепурин, Молдавия ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Д. Брагиш, Туркманистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котибаси Г. Гелдиева, Москва кимё-технология институти Новомосковск филиалининг ўқитувчиси Ю. Шакиров, ВЛКСМ Удмурд вилоят қўмитасининг ректори Е. Королев, Бошқирдистон ВЛКСМ вилоят қўмитасининг котибаси И. Муравьева, Свердловск шаҳридаги ижтимоий технология бўйича илмий-ишлаб чиқариш маркази директори Е. Королев, ВЛКСМ Бошқирдистон вилоят қўмитасининг биринчи котиби Р. Сафуанов, Қирғизистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Т. Тобилдиев, Красноярск медицина институти ВЛКСМ қўмитасининг котиби, А. Мадестов, Қозоғистон ЛКСМ Шарқий Қозоғистон вилоят қўмитасининг биринчи котиби Ю. Скоропад, ВЛКСМ Оренбург вилоят қўмитасининг биринчи котиби В. Елагин, Украина ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Матвиенко, Ленинград вилояти ВЛКСМ Сосновоборск шаҳар қўмитасининг биринчи котиби В. Лашчевский, «Комсомольская правда» рўзномасининг бош муҳаррири В. Фронин, Тожикистон ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби А. Ёқубов, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг «Молодой коммунист» журнали бош муҳаррири З. Апресян, ВЛКСМ Ёқутистон вилоят қўмитасининг биринчи котиби А. Федотов, ҳаво ҳужумига қарши мудофаа қўшинлари комсомол ташкилотлари Кенгаши раиси В. Двуреченских, СССР 50 йиллиги номли Тошкент тракторсозлик заводининг слесарь-йиғувчиси Р. Абдуқодиров, Эстония ЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби Н. Гогулан, ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг котиби С. Епифанцев, Украина ЛКСМ Харьков вилоят қўмитасининг котиби А. Дунебабин, Украина ЛКСМ Днепропетровск вилоят қўмитасининг биринчи котиби С. Тигипко, Литва ЛКСМ Мувофиқлаштириш қўмитаси жумҳурият марказининг аъзоси А. Дзибуралар қатнашдилар.

Пленум муҳокамани ҳисобга олган ҳолда ВЛКСМ XXI съездига Марказий Қўмитанинг Ҳисоботини тасдиқлади, ВЛКСМ Ҳаракатномасини ишлаб чиқиш юзасидан Комиссияга ВЛКСМ Ҳаракатномасининг мақсадлари лойиҳасини мароміга етказишни топширди, уларни 1990 йил 1 апрелгача «Комсомольская правда» рўзномасида эълон қилинишига қарор қилинди ва ВЛКСМ Марказий Қўмитасининг биринчи котиби В. Мироненкога съездда ҳисобот маърузасини қилиш топширилди.

Пленум 23 мартда ўз ишини давом эттирди.

ЎН ИККИНЧИ ЧАҚИРИҚ ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БИРИНЧИ СЕССИЯСИ ОЧИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўн иккинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг биринчи сессияси бугун, 24 март соат 12 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида очилади.

Халқ депутатларини рўйхатга олиш эрталаб соат 10 дан бошланади.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ГУРУҲЛАРИ ВАКИЛЛАРИНИНГ КЕНГАШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР халқ депутатлари гуруҳлари вакилларининг кенгаши бугун эрталаб соат 9 да Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида ўтказилади.

Саховатли элнинг уйғониши

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ 21—22 МАРТДА УЗЛУКСИЗ ДАВОМ ЭТУВЧИ «НАВРЎЗ» ХАЙРИЯ ТЕЛЕПОЙГАСИ ЎТКАЗДИ. АВВАЛ 24 СОАТГА РЕЖАЛАШТИРИЛГАН ТЕЛЕПОЙГА ЯНА БИР СОАТГА УЗАЙТИРИЛДИ.

Дастлабки ҳисоб-китоблар бўйича жамғарилган маблағ — 3 миллион 523 минг 991 сўм 87 тийин. Ушбу рақамлар телеграмма ва қўнғироқлар, тўлов варақалари бўйича чиқарилган, умумий жамғарма аслида анча кўп бўлса, эҳтимол. Чунки саховатли кишиларнинг хайрияси анча аввал бошланиб, ҳали-ҳануз давом этмоқда. Кўпчилик хайри-эҳсон қилган-у, хабар қилиб ўтирмаган, чунки сахийлик дилнинг туб-тубидан келувчи туғёндир. Уни намойишкорликка айлантириб юборишни кўпчилик ўзига эп кўрмайди. Ишқилиб, турғунлик ва қувғиннинг давру давронлари халқимизнинг дилидаги эзгуликни тамом сўндира олмаган экан — элимиз ўз шафиқлигини намоён қилди.

Изчил кўрсатувнинг ташкилотчилари ва ташаббускорлари — Ўзбекистон телевидениеси, Владимир Ильич Ленин номидаги совет Болалар фондининг Ўзбекистон бўлими, Қизил ярим ой жамияти жумҳурият «Меҳр-шафқат ва саломатлик» фонди, Тошкент шаҳар «Меҳрибонлик» жамияти. Наврўзона поклик, меҳрибонлик ва чинакам одамийликнинг мужассами бўлмиш телепойганинг олиб борувчилари — Дадахон Ёқубов, Ўзбекистон халқ депутати Жаҳонгир Маматов, диктор Раҳматилла Мирзаев, режиссёр Мели Маҳкамов, ҳамда режиссёр ёрдамчилари ва тасвирчилар 25 соат давомида мижжа қоқмай беғараз хизмат қилдилар. Уларнинг хизмат ҳақлари ҳам хайрия жамғармаси ҳисобигадир. Шу кунда ва тунда Тошкент Давлат циркида, маданият уйлари ва саройларида, вилоят ва ноҳияларда, маҳаллаларда ҳам шодиёналар бўлиб ўтди. Саховатли кишилар, санъаткорлар, сўз усталари ва аскиябозлар, шоиру, шуаролар иш ҳақларини «Наврўз» жамғармасига ўтказдилар. Юртнинг турли чеккаларидаги ҳисобчиларнинг қўли қўлига тегмай тинимсиз пул санади. Қария-ю, ёшлар, ҳатто ўқувчи қиз-йигитлар, болалар ҳам оғир аҳволда кун кечираётган ҳамёшлари учун эҳсон қилмоққа банклар туйнугига, телемарказдаги касса қошига келдилар. Элимиз ҳақида марказий газета, журналларнинг айрим вайсақи мухбирлари нима деса демоқда, лекин барибир бу — саховатли, буюк халқдир, телепойгани кўриб биз бунга ишонч ҳосил қилдик. Бу уйғониш байрами бўлди.

Хўш, ушбу шафқатпеша телепойгадан қандай дастлабки хулосалар чиқарсак бўлади?

(Давоми 4-бетда).

Бизни ўйлантираётган муаммолар

Олти йил муқаддам, 1984 йилнинг январида ҳаётимда илк бор СССР Олий Советига депутатликка номзод билан учрашгандим. Комсомол ёшида бўлган наманганлик бу қиз тўғрисида мақола ёзиш учун юртига бордим. Ишлайдиган корхонасидан сўраб-суриштирдим: режани доимо 100—150 фоиз қилиб уддалайди, фалон-фалон кенгашларнинг аъзоси, фаол жамоатчи, дейишди. Бригадирдан тортиб фабрика фирқа қўмитаси котибигача, корхона комсомол ташкилоти котибидан тортиб токи директоргача, ҳатто Наманган шаҳар ва вилоят комсомол қўмиталари ходимларигача, қўйинг-чи, ҳамма-ҳамма у ҳақда оғизларидан бол томиб гапирарди: ажойиб инсон, ажойиб ишчи. Ўзи билан суҳбатлашганимда унга берилган таъриф ва билдирилган ишонч бежиз эмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Бироқ мени бир нарса ўйлантириб қўйди: номзод кейинчалик эса депутат сиёсат ва иқтисод бобида ўз дастгоҳидан икки қадам нарида бўлаётган воқеа ва ҳодисаларни билмасди, кўрмасди (бу билан ҳамма ишчи ва колхозчи бўлган депутатлар ана шундай демоқчи эмасмиз). Билса ҳам, кўрса ҳам тушунмасди, англаб етмасди. Аммо бу унинг айби эмасди: ўша пайтда жамиятимиз ўзига қандай инсон керак бўлса, уни ўшандай қилиб вояга етказганди ва худди ўшани депутатликка сайлаганди.

Бу воқеа юқорида айтилгандек, ҳали қайта қуриш бошланмасдан олдин бўлиб ўтганди. Лекин ўтган йилнинг май-июнь ойларида бўлиб ўтган СССР халқ депутатларининг биринчи Съезди Ўзбекистондан мамлакатимиз олий ҳокимият органига сайланган депутатларнинг 97 фоизи фақатгина ўз касбининг устаси бўлган ажойиб инсонлар эканлигини кўрсатди. Худди шу ҳолни Ўзбекистон ССР Олий Совети депутатлари орасида ҳам кўриш мумкин эди. Бунга мен ўн биринчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг ўн биринчи сессиясига келган фарғоналик, хоразмлик, қорақалпоғистонлик депутатлар билан суҳбатлашганимда амин бўлдим. Таассуфки, ҳозирги кунда бу хислатларнинг ўзи депутат бўлиш учун камлик қилар экан. Хўш, унда депутат ким бўлиши керак, деб сўрарсиз. Лўнда қилиб айтганда, депутат аввaламбор иқтисодни чуқур тушунадиган, ўткир сиёсатчи бўлиши лозим. Ўз халқи, ўз миллати тарихини, маданиятини, тилини, урф-одатларини мукаммал билиши ва қадрлаши эса унинг фазилатига фазилат қўшади. Ўйлайманки, бундай кишиларнинг чинакам инсон бўлишларига ҳеч ким шубҳаланмаса керак.

МЕН ДЕПУТАТ БЎЛГАНИМДА...

ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИГА ТИЛАКЛАР

Хўш, депутат нима қилиши керак?

Бошқаларни билмадим-у, аммо мен депутат бўлганимда ишни жумҳуриятимизнинг СССР таркибидан чиқмаган ҳолда тўла мустақиллиги учун курашдан бошлардим. Фикримча, биз ҳам Украина ССР ва Белоруссия ССР каби Бирлашган Миллатлар Ташкилотида ўз вакилимиз бўлишига эришишимиз, хорижий мамлакатлар билан мустақил дипломатик алоқа ўрнатиш ҳуқуқига эга бўлишимиз керак. Агарда шундай қила олсак Ўзбекистонимизнинг Иттифоқимизда ҳам, халқаро майдонда ҳам нуфузи ўсишига хизмат қилган бўлардик. Бўлмаса биз умрбод СССР Конституциясида таъкидланганидек «суверен жумҳурият» эмас, балки тамомила марказга тобе бўлган ўлкалигимизча қолаверамиз. Мен М. С. Горбачев илгари сурган «кучли жумҳуриятлар — кучли марказ» ғоясини ана шундай тушунаман. Шу боис «Ўзбекистон ССРнинг сиёсий мустақиллиги», «Ўзбекистон ССРнинг Давлат байроғи, Гимни ва Герби» тўғрисидаги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришардим.

Иккинчи, асосий масала, жумҳуриятимизнинг иқтисодий жиҳатдан тўла мустақиллиги учун курашишдир. Мен депутат бўлганимда аввaламбор Олий Советимизга табиат инъом этган барча бойликларни (нефть, газ, рангли металлар ва ҳ. к.); ўлкамизда етиштириладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини (пахта, пилла, полиз маҳсулотлари, шунингдек қоракўл терилари ва ҳ. к.); диёримизда тайёрланадиган барча саноат маҳсулотларини; ер; сув; барча ишлаб чиқариш корхоналарини жумҳурият мулки, деб эълон қилишни таклиф қилардим. Маҳаллий миллат вакилларининг талаби тўла қондирилмагунча уларнинг бир мисқоли ёки донаси ҳам жумҳурият сарҳадидан ташқарига чиқмаслиги; қандай ташкилот ва корхона, муассаса бўлишидан қатъий назар, улар фақат жумҳуриятимизга бўйсуниши керак. Юқорида санаб ўтилган қазилма бойликлар ва маҳсулотларнинг давлат томонидан харид нархини кескин (камида 3—4 баробар) ошириш шарт. Ана шундагина серқуёш ўлка меҳнаткашлари меҳнатларига яраша ҳақ олишлари ва турмуш кечиришлари мумкин. Шу мақсадда «Ўзбекистон ССРнинг иқтисодий мустақиллиги», «Ўзбекистон ССРда мулкчилик», «Ўзбекистон ССРда ер тақсимоти» тўғрисидаги қонунларнинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришардим.

Учинчи, муҳим масала, бу бузилган экологик мувозанатни қайта тиклаш учун курашишдир. Мен депутат бўлганимда биринчи навбатда Олий Советимизга янги сув омборлари қурилишини бошлашни қатъиян таъқиқлашни, қурилаётганларини дарҳол тўхтатишни, ишлаб турган, мавжуд сув омборлари сонини эса иложи борича камайтиришни таклиф қиламан. Бундан ташқари кўп сув ва кимёвий ўғитлар талаб қилинадиган экинларни, жумладан, пахта майдонларини кескин қисқартириш, пахтадан олинадиган ялпи ҳосилдорликни 4 миллион тоннадан оширмаслик, канализация ва ирригация тармоқларини капитал ремонт қилиш зарур. Орол денгизини сақлаб қолиш учун айрим мутахассисларнинг фикрича, табиат бизга бор-йўғи 4 йил муддат қолдирган, холос, ҳозирги кунда. Агарда ана шу муддат ичида биз Оролга етарли миқдорда сув етказиб беролмасак, Орол атрофини, жумладан Хоразм воҳасини қум ва туз босади, бутун жумҳуриятда иқлим кескин ўзгаради. Шунинг учун ушбу муаммони қисқа муддатда қисман бўлса-да, ҳал этиш учун мен Оролга Каспий денгизидан сув келтиришни таклиф қилардим. Қолаверса, қаерда яшашдан қатъий назар аҳолини сувдан тежаб-тергаб фойдаланишга ўргатиш лозим, деб ҳисоблайман.

(Давоми 2-бетда).

Ҳаёт... Абадият... Мангулик... Оламда ТИРИКЛИК деган улуғ бир дунё бор экан, кунлар, йиллар, асрлар ўтавергани билан инсон хотираси абадий муқаддас бўлиб қолаверади. Мана, жумҳуриятимизда Хотира куни ўтказила бошланганига ҳам бешинчи йил бўлаяпти. Бу йил 25 март Хотира куни деб белгиланди. Аслида бизнинг ўтаётган ҳар бир лаҳзамиз, кунимиз хотира, йўқлов бўлиши керак. Марҳумлар хотираси бизнинг ШАРҚ халқлари орасида ҳеч қачон сўров, илтимос ёки қонунлар билан эъзозланмаган. Шундай экан, эртага ҳар биримиз ўзимиздан олдин ўтган авлод-аждодларимиз, Улуғ Ватан уруши жанггоҳларида, фронт ортида жон олиб, жон берган, шунингдек ўн йил давом этган афғон тупроғидаги мақсадсиз урушда ҳалок бўлган йигитлар ва яқин кишиларимиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимизни адо этайлик, меҳр-мурувватимизни дариғ тутмайлик...

Қайтмадингиз йигитлар...

(АФҒОН ТУПРОҒИДА ҲАЛОК БУЛГАНЛАР ХОТИРАСИГА)

Қайтмадингиз... лек эмассиз унутлар,
Оғриқлардан инграр овули-кентлар.

Ўзбекистон қалбидаги тобутлар,
Тақдиридан нолиб кетган йигитлар.

Бир қишлоқда бир сулув қиз қолди-ку,
Сунбул сочин тарайвериб толди-ку,

Айтилмасдан оловдай сўз қолди-ку,
Қучоғига нур тўлмаган йигитлар.

Йиқилсангиз қумсаб йироқ Ватанни,
Ўзга тупроқ ўпар лоларанг танни.

Қисмат Сизга кўп кўрди-я, кафанни
Гулдай кетиб, қулдай қайтган йигитлар.

Онангизнинг ноласидан дил қора,
Нигоҳларга қадалгувчи йўл қора,

Боғингизда узилмаган гул қора
Афғон қирда олов ютган йигитлар.

Қисмат! Қисмат!! Сенга қилгум тавба, зор,
Кўргуликдан ҳар бир юрак қон бўлар,

Ортингиздан йиғлаб борар боболар,
Дилда чорлов бўлиб қолган йигитлар.

Сиз қайғусиз... Сиз — асримнинг титроғи.
Тирикликнинг уруш кўмган булоғи,

Йиғлаб-йиғлаб сўзлар тарих варағи:
«...Ноҳақ уруш шаҳид этган йигитлар,

Беҳудага шаҳид кетган йигитлар...»

Қўчқор НОРҚОБИЛ,
ТошДУ толиби.

«Ўққа қалқон...»



...Хутнинг бошлари. Кавказортидаги қонли воқеалар ҳақида бир-биридан қайғули, даҳшатли хабарлар келмоқда. Ўғиллари хизматдаги ота-оналарнинг уйқуси ўчган. Ахир Бокуда фавқулодда ҳолат жорий қилинганидан кейинги икки-уч кун ичида 18 нафар ҳарбий — ўн саккиз йигит ўққа учди...

...Ойнаи жаҳонга кўз тикамиз, рўзномаларни апил-тапил варақлаймиз. «Боку» сўзини излаймиз. Гўё рўзномаларда бошқа ҳеч нима чиқмаган.

Мана «Известия»нинг 13 февралдаги 44-сони. Ўқиймиз: «...Қурол ва ўқ-дорилар ўғирланиш ҳоллари бор. «Қизил Шарқ» қоровуллик постида кичик сержант А. Жуманов ўлдирилган». Бу жумлани шовотлик Гулсара опа ва Кенжабой акалар ўқиб кўришмаган. Таниш-билишлар ўқишса-да... сезишмаган. «Ким бўлсада, бир мусулмон боласи экан. Афсус!» деб бош чайқашган...

Икки кундан кейин бутун қишлоқ оғир қайғу остида қолади. Азимбойни ўн беш ой олдин ўйнаб-кулиб чиқиб кетган ОНА ОСТОНАсига сафдошлари темир қутида елкалаб келишади... Ўғлининг бор бўйини, хушрўй рухсорини кўриш, бир оғиз сўзини эшитиш энди Гулсара опага ҳам, Кенжа акага ҳам насиб этмайди...

Азимбой оиладаги тўққиз фарзанднинг иккинчиси эди. Акаси хизматдан қайтиб, оила қурган. Азимбойнинг ҳам нияти шундай бўлгандир. Ота-оналари хўжалик аъзолари, тирикчилик ғамида ҳалол тер тўкаётган жафокашлар.

...Азадор онаизорнинг аҳволини баён қила олмайман. Буни фақат бошига тушганлар билади. Ҳеч кимнинг бошига тушмасин!

...Азимбой Минск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаётганди. Шу ердан — яхши таниш бўлиб қолган шаҳардан юртига эсон-омон қайтиш орзуси бўлмаган дейсизми? Инсон боласи ўзини олдида нима кутаётганини биладими? Пешонага битилган қисматни-чи? Таассуф, жамиятимиз бошига тушган оғир кунларнинг оқибатини ҳатто жаҳонга таниқлик Ванга момодек фолчи ҳам айтиб бера олмайди...

...Бокуга дастлаб кирган ҳарбий бўлинмалар орасида Азимбой хизмат қилаётган бўлинма ҳам бор эди. Энг даҳшатли кунлар ортда қолган вазият ўрнига тушаётгандек. Миллий низо, ур-йиқитлар қайта аланга олмаслиги, фуқароларнинг қони беҳуда тўкилмаслиги учун жанговар вазифани адо этиш, кўча-майдонлар, муҳим давлат иншоотларини ҳужумдан сақлаш — доимий назорат ўрнатиш керак. Қутволлик (комендантлик) соати ҳали бўшашмаган...

Уни жанговар ўринда турган пайти узоқдан мерган милтиғи билан отишди. Ўқ қоқ пешонага тегди. Тасодифми? Йўқ! Аскарлар зирҳли нимча кийишини «қасоскор жангари» жуда яхши билган. Унга миллатнинг, диннинг фарқи бўлмаган.

Ё алҳазар, деб ёқамизни тутамиз. Тўққиз йил қўшни мамлакатда бемақсад қурбон бўлган минглаб йигитлар қони каммиди?! Яна ва яна бу рўйхат давом этмоқда...

Шоир афсус билан ёзган «Ўққа қалқон бўлиб кетган ўғлонлар»нинг бири Азимбой бу рўйхатнинг сўнггиси бўлса.

Илоё....

Рўзимбой ҲАСАН,
«Ёш ленинчи» мухбири.
Хоразм вилояти.

БОҒ БАРПО ЭТИЛДИ

Пайариқ ноҳиясидаги Карл Маркс номли жамоа хўжалигининг комсомол, уруш ва меҳнат ветеранлари ташаббуси билан «Фармонқул» қишлоғида 5 гектарлик мевали боғ барпо этилди. Боққа шу қишлоқда туғилиб ўсган, Афғонистондаги мақсадсиз урушда иштирок этиб, қаҳрамонларча ҳалок бўлган байналмилал - жангчилар Қизил Байроқ ордени соҳиблари Фаҳриддин Болиев ва Тошмуҳаммад Мардиевлар номи берилди. Боғ парваришини Тошмуҳаммаднинг отаси Қўчқор ака Мардиев ўз зиммасига олди.

Бу ерда эндиликда «Ветеранлар» магазини ҳамда «Оқсоқоллар» чойхонаси ҳам қурилиши мўлжалланмоқда.

Э. ЖОНДОРОВ.



Буюк ғалабанинг 45 йиллиги арафасида Улуғ Ватан уруши ветеранларининг ишлари ҳар қачонгидан кўпайган.
Учрашувлар, ёдгорликлар очилишига тайёргарлик, жанговар дўстлар қабрларини зиёрат қилиш...

СУРАТДА: Сирдарё ноҳиясидаги «Малик» давлат хўжалигида яшовчи уруш ветеранлари Я. Саъдуллаев, И. Бунеев ва А. Юнусовлар.

Сураткаш: Н. МУҲАММАДЖОНОВ.

МЕҲРИНГ ЯШАР

(МУҲАМАДЖОН ҚЎШОҚОВ ХОТИРАСИГА).

Бизни ташлаб,
қайга кетдинг...
МИСКИН.

Оташ нафас зотлар сингари,
Шоир бўлар дердик илгари.
Орзу ўрнин армонлар олди,
Қалб дафтаринг очилмай
қолди.
Башоратми, қилгандай
отанг,
Бевақт кетдинг ҳаётдан,
аттанг!
Сўроқлаймиз бугун
изингни,
Соғинганда ўғил, қизингни —
Кўриб таскин топар
юраклар.
(Ўлим доя, ўлим йўргаклар).
Бироқ бевақт кетмаклик
ёмон,
Ёш кетди деб ёнамиз ҳамон.
Кечагидай бу «олтин
қўллар»,
«Светафор» бошқарган
йўллар.
Пахтакорнинг дала деб
жойи,
Пардоз-андоз қули
«Кеннойи»
Жилмасданоқ, ойна ёнидан,
Ўзинг қайга кетдинг,
жонидан!!
Ёшлик экан, ў... ўша
пайтлар
Гоҳ сен хониш қилган шўх
байтлар —
Эшитганни ром этарди хўп,
Унут бўлмас эсдаликлар кўп.
Афсус йўқсан орамизда сен,
Меҳринг-ла, кўз қорамизда
сен.

Толиб ЙЎЛДОШ.

Инсоний бурчимиз

Тасодифан қўлимга «Ёшлик» журналининг 1985 йил, май сони тушиб қолди. Буни қарангки, кўз очиб юмгунча 5 йил ҳам ўтди. Унда босилган «Генерал шундай инсон эди» деган мақолани қизиқиб ўқидим. Бонси, ўзим истиқомат қиладиган кўча биринчи ўзбек генералининг номига қўйилган. Мақоладаги мана бу сўзларни ўқиб, очиғи, анча ўйланиб қолдим: «Биринчи ўзбек генерали, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Собир Раҳимов хотирасини абадийлаштириш юзасидан қилинаётган ишлар билан фахрлансак арзийди».

Йўқ, менимча ҳали қувонишга эрталик қилади. Чунки марҳумлар хотирасини абадийлаштириш, қабристонларни ободонлаштириш сингари савоб ишлар бошланганига ҳали кўп бўлгани йўқ. Тўғри, Собир Раҳимов номига ноҳия, метро станцияси, бир қанча боғ ва кўчалар, жамоа ва давлат хўжаликлари қўйилганлигини инкор қилмаймиз.

Мақола муаллифи ўзбек халқининг суюкли фарзанди туғилиб ўсган уй эътиборсиз, ташландиқ ётгани ҳақида куюниб ёзган. Лекин бу ҳурматли инсоннинг номи қўйилган кўчанинг аҳволи бундан ҳам беш баттар аҳволда ётибди.

Шу кўчадан кечаси-ку, у ёқда турсин, кундузи ҳам машиналар зўрға ўтади. Канализациялардан сув тошса ёки ёмғир ёғса, бу кўчадан ўтиб бўлмайди. Сувсизликдан кўчадаги дарахтлар қовжираб ётибди. Мабодо қаттиқроқ шамол бўладиган бўлса, дарахтларга чалкашиб кетган электр симлари бир-бирига урилиб хавф солиб туради. Ҳафталаб чироқлар ўчиб қолган пайтлар ҳам бўлди.

Маҳалла кексаларининг айтишича, бу кўча 25 йил илгари чала-чулпа тузатилиб, асфальт қилинган экан. Шу-шу ундан хабар оладиган азаматлар топилмади. 25 йилдан бери маҳалла аҳли сайлаб келаётган ҳар бир депутат: «Агар мен депутат бўлиб сайлансам, шу кўчаларни асфальт қилиб бераман. Ундоқ қиламан, бундоқ қиламан» деб ваъдалар бериб келишди. Лекин бирортаси шу Абдураҳмон Жомий номли маҳаллага тегишли бўлган бу кўчани асфальт қилдириб бермаган.

Генерал Собир Раҳимов кўчасида истиқомат қилаётган ҳар бир қора кўзнинг бирдан-бир умиди 173-сайлов участкасидан сайланган янги депутатларимиздан. Биз тириклар она Ватан озодлиги, халқимизнинг бахтли кунлари учун жон олиб-жон берган шаҳидлар руҳи олдидаги инсоний бурчимизни асло унутмайлик!

Азиз БОБОЖОН.
Тошкент шаҳри.

«Армонли дунё»

Қаламкаш дўстимиз Шомурод СИДДИҚОВ ўзининг энг сўнгги мақоласига худди шундай сарлавҳа қўйган эди. Одатда олимларимизнинг бебаҳо кашфиётларини шифокорларимизнинг беморларни ўлим чангалидан қутқариб қолувчи даво-муолажаларини мадҳ этиб юрадиган, айрим сабабларга кўра очилмай келаётган жиноятларни адолат йўриғи билан фош этувчи мақолалар ёзиб юрган ижодкор нега бирданига маҳзун кайфиятга берилиб қолди экан? Ё қалби шунга ундадимикан? Ички туйғулари умрининг охирги дақиқалари кечаётганини билдириб қўйдимикин?..

У жуда ҳамиятли инсон эди, ҳамиша бировларга нима биландир ёрдам бергиси келиб яшарди. Кимларнидир етук мутахассислар ишлаётган шифохоналарга жойлаштирар, кимларнингдир пропискадан ўтишига кўмак берарди. Яна бировларга тўй ёки маросим учун савдо ташкилотларидан анча-мунча нарсалар «ундириб» берарди ва ҳоказо. Худди шунинг учун дўст-ёронлари ҳам, номини ҳурмат билан тилга оладиган таниш-билишлари ҳам кўп эди унинг.

— Тенгқурим Шомуродни мен студентлик йилларимиздан биламан. Қашқадарё вилоятининг Чироқчи ноҳиясидан келган Шомурод Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига биздан бир-икки йил кейинроқ кирган эди. Яхши ўқирди. Ўша пайтлардаёқ танишиб, салом-алик қилиб юрардик... Университетни битирганидан сўнг дўстим дастлаб қишлоқ мактабида ўқитувчилик қилди. Сўнгра Қарши ва Термиз шаҳарларида — вилоят радиосида хизмат қилди. Олтмишинчи йилларнинг бошларида Тошкентга ишга келди. Бу ерда ҳам ўзи танлаган касб — журналистлик фаолиятини давом эттирди. Аввал «Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги» жаридасида, кейин «Ўзбекистон совет қомуси» таҳририятида хизмат қилди. 1978 йилдан умрининг охиригача «Гулистон» жаридасида ишлади.

Шомурод Сиддиқовнинг чинакам ижодий истеъдоди умрининг сўнгги ўн-ўн беш йилида ёрқин намоён бўлди. У кўпинча қилни қирқ ёрувчи олимлар ҳақида ёзарди, янги кашфиётларнинг тезроқ амалга ошишига, кенгроқ тарқалишига кўмаклашгиси келарди. Бу борада жарида ва рўзномаларда тез-тез кўриниб туришидан ташқари, олдинма-кетин бирнеча тўпламларини ҳам нашр эттирди. 60-йилларда Журналистлар уюшмасининг аъзоси бўлган бўлса, 80-йилларнинг бошларида Ёзувчилар уюшмаси аъзолигига ҳам қабул қилинди.

Дўстим Шомуроднинг ўйлаб қўйган ёзишга мўлжаллаб юрган режалари кўп эди. Менга айтганларидан бири — яқин тарихимизда адолатсизлик қурбони бўлган арбобларимиздан бири ҳақида ҳужжатли қисса ёзмоқчи эди. Минг афсуски, бу эзгу ниятини амалга оширолмади.

Шомурод Сиддиқовнинг «Гулистон» жаридасидаги хизмати ҳақида бир оғиз сўз. У мазкур таҳририятда ғоят тиришқоқлик билан, ўзига ҳам, бошқаларга ҳам талабчанлик билан хизмат қилди. Аввалига оддий ходим бўлиб ишлаган Шомурод салкам ўн йиллик умри давомида жариданинг фан ва маданият бўлимини бошқарди. У ўз издошлари орасида обрў-эътиборли ходимлардан бири эди. Ақлли, зукко маслаҳатлари билан дўстларининг ҳурматини қозонган эди.



Шомурод ота-онасининг ёлғиз ўғли эди. Бироқ унинг ёлғизлиги сира билинмасди. Дўсту биродарлари ниҳоятда кўп эди. Бунинг устига у оиласида ўзига муносиб фарзандлар ҳам ўстириш бахтига муяссар бўлди. Бетоб бўлиб қолишидан уч-тўрт кунлар аввал ўзаро суҳбатлашиб ўтирганимизда:

— Хабарингиз бор, катта қизимни уйли-жойли қилиб, невара ҳам кўрдик. Энди яқинда катта ўғлимни уйлантираман. Тўйда ўзларингиз қўл қовуштириб турасизлар, — деган эди у...

Ана шу айтган тўйни кўролмай кетди, дўстим Шомурод. «Армонли дунё» деганлари шу-да.

Инсон умрини оқар сувга қиёслайдилар. «Оқар дарё экан, оқди-да кетди», дейилади халқ қўшиғида ҳам. Бу гаплар бежиз айтилмаган экан... Олтмишинчи йилларнинг бошларида у Тошкентда уйланган эди. Мен ҳам унинг тўйида иштирок этувдим. Ҳатто куёв-жўра сифатида ёнида ўтирган эдим... Бугун эса, қирқ йиллик дўстим ҳақида хотира ёзиб ўтирибман...

Нима ҳам дейиш мумкин. Инсон ўзидан яхши ном, яхши хотира қолдиргудек бўлса, бу нарса унинг умри беҳуда ўтмаганини билдиради. Қобил фарзандлар эса, чала қолган ишларни давом эттириб кетаверадилар — ҳаётий мантиқ шундай. Шу ҳаётий мантиқ юракларга таскин ҳам беради.

Оқилжон ҲУСАН.

МЕН ДЕПУТАТ БЎЛГАНИМДА...

(Боши 1-бетда).

Экология билан боғлиқ яна қуйидаги масалалар зудлик билан ҳал этилиши лозим: ҳавони ва атроф-муҳитни заҳарлайдиган барча корхоналар қатъий назорат остига олиниши, уларни ишончли тозалаш системалари билан таъминлаш, экологик талабларга жавоб бермайдиган корхоналарни ёпиш, қишлоқ хўжалигида кимёвий ўғитлардан фойдаланишни камайтириш, бунинг учун ана шу ўғитларни ишлаб чиқаришни ёки сотиб олишни чеклаш, ушбу талабларни бажармаган кишиларга нисбатан мансаби ва эгаллаб турган лавозимидан, илгари кўрсатган хизматларидан қатъий назар кескин чоралар кўриш, токи жиноий жавобгарликкача тортиш лозим. Негаки, жумҳуриятимизда нафақат ер, сув, ҳаво заҳарланмоқда, энг даҳшатлиси миллат насли бузилмоқда. Бугун кескин бўлса-да, чора кўриб, олдини олмасак, эртага «Ўзбекистон ССРда экологияни бузиш — жамиятга қарши жиноят» эканлиги тўғрисидаги қонун ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришардим.

Тўртинчи, энг муҳим муаммолардан бири — бу миллий масаладир. Мен депутат бўлганимда авваламбор Ўзбекистон ССРнинг давлат тили тўғрисидаги Қонунига тузатиш киритишни таклиф қилган бўлардим. Жумладан, жумҳуриятимизда яшовчи ҳар бир киши учун миллатидан қатъий назар ўзбек тилини ўрганиш муддатини 2—3 йил қилиб белгилашни ўзбек халқининг барча миллий урф-одатларини, удумлари ва анъаналани, ўзбек халқининг барча миллий урф-одатларини, удумлари ва анъаналарини ҳурмат қилиш тўғрисида. Қолаверса, 72 йилдан бери қоралаб келаётган ўтмишимизни — миллий тарихимиз ва миллий маданиятимизни тўла-тўкис тиклашимиз зарур. Ўтмишимизни тўлиқ билмай туриб, Темур каби ота-боболаримиз хизматини қадрламай туриб, биз келажакда ўзига бек деган номни сақлаб қололмаймиз. Биздан юзлаб, минглаб йиллар олдин ўтган аждодларимиз инсоният тараққиётига улкан ҳисса қўшганликларини, аниқ фанлар — математика, астрономия, тиббиёт каби замонавий билимларга асос солганликларини, Навоий каби бобокалонларимиз эса фақат шеърият осмонидаги ёрқин юлдуз бўлмай, фалсафа бобида Қуёш эканликларини ҳам унутмаслигимиз лозим. Шунинг учун «Ўзбекистон ССРда миллийлик (анъаналар; расм-русумлар, одатлар) тўғрисида»ги қонун ишлаб чиқилишига ва қабул қилинишига, шунингдек сайловлар тўғрисидаги қонунга тузатишлар киритилишига эришардим.

Бешинчи, биринчи навбатда биз иқтисодий мустақилликка эришишимиз керак. Бу биринчидан. Иккинчидан, сунъий равишда демографик ўсишни, яъни аҳолини кўпайтиришни тўхтатиш керак. Демоқчиманки, биз ўзга жумҳуриятлардан раҳбар ёки мутахассис кадрлар, яъни ўзимизга бошлиқ ва хўжайинлар чақириб, ўз миллатимизга мансуб биродарларимизни бошқа ёқларга оддий ишчи кучи қилиб жўнатишга барҳам беришимиз керак. Бундан ташқари қурилаётган ёки қурилиши мўлжалланган саноат корхоналарини маҳаллий миллатнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб бунёд этиш керак. Акс ҳолда «Алгоритм» сингари замонавий гигантларни қуришади-да, кейин унда ишловчи кадр йўқлигини баҳона қилиб минглаб кишиларни четдан олиб келишади. Шу мақсадда «Ўзбекистон ССР фуқаролиги» тўғрисидаги қонуннинг ишлаб чиқилишига ва қабул қилинишига эришардим.

Олтинчи масала — хотин-қизларнинг ҳозирги аҳволи. Дунёдаги ҳеч бир мамлакатда, Иттифоқимиздаги ҳеч бир жумҳуриятда аёллар ўзбек хотин-қизларидек оғир кун кечираётгани йўқ. 72 йилдан бери «Шарқнинг озод хотин-қизлари» тўғрисида сафсата сотамиз. Аслида эса биз аёлларимиз, муштипар оналаримизни ва опа-сингилларимизни паранжи «бало»сидан ва эр «қуллиги»дан озод қилиб, жамият қулига айлантириб қўйдик; аёлларимизнинг тенг ҳуқуқлиги тўғрисида ваъзхонлик қилиб, аслида эркакларнинг оиладаги ва жамиятдаги мавқеини туширдик. Натижада асрлар давомида оила бошлиғи ва боқувчиси бўлиб келган эркаклар ноиложликдан умр йўлдошини кўчага, тўғрироғи далага, завод ва фабрикаларга чиқаришга мажбур бўлди. Оқибати маълум: эркакнинг ҳам, аёлнинг ҳам, улардан бўлган боланинг ҳам соғлиғи путурдан кетди; эр-хотиннинг оилага, эрнинг хотинга, хотиннинг эрга садоқати йўқолди; эр ўз пушти камаридан бўлган фарзандидан тонмоқда, хотин эса тўққиз ой юраги остида авайлаб асраган жигаргўшасини аҳлатхонага ташлаб кетмоқда, сувга оқизмоқда. Бу шунчаки жамиятдаги иллат эмас — бу ўзбек хонадонида инқироз бошланганлигини кўрсатувчи, ўзбеклар асрлар давомида шаклланиб ва сайқалланиб келган ўз эътиқодидан юз ўгирганини кўрсатувчи машъум ҳақиқатдир. Биз эса бу ҳақиқатни яшириш, ҳас-пўшлаш учун «Инқилобдан олдин хотин-қизларга бой-феодалларча муносабатда бўлинган» дея ўтмишимизга туҳмат ва бўҳтон ёғдирмоқдамиз.

Мен депутат бўлганимда ушбу муаммони ҳал этиш учун қуйидагиларни таклиф қилган бўлардим: авваламбор эркакларнинг мавқеини тиклаш, уларни муқим ва етарли иш ҳақи билан таъминлаш; аёлларнинг ҳамма соҳада тунги сменада ишлашини қатъиян тақиқлаш; фарзанди бор аёлларнинг маошини камайтирмаган ҳолда иш кунини (ҳафтада 5 кун) ва соатини (соат 11 дан соат 16 гача) қисқартиришни; Иттифоқ бўйича аёлларга яратиладиган ёки бериладиган барча имтиёзлар ҳамма жумҳуриятлар ва регионлар билан бир қаторда, бир вақтда кучга киришига эришишни; Ўзбекистон ССР ҳудудида бола тарбиялаш, яъни жамият учун керакли одамни вояга етказиш аёл кишининг асосий вазифаси (иши) ва оналик бурчи деб эълон қилишни ва бунинг учун нафақа (маош) тайинлашни; ҳозирги тўланаётган нафақалар миқдорини икки ҳисса кўпайтиришни: бола туғиб, тарбиялаганлиги учун ҳам давлат корхонаси ёки бошқа бирор ерда ишламаган бўлса ҳам, карилик нафақаси ажратишни: оила тарбиясига, шунингдек фарзанд тарбиясига дин пешволарини жалб этишни ва ана шу юқорида ёзилганларнинг ҳаммасини Олий Советимиз Қонун йўли билан ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаб қўйишни таклиф қилган ва шу йўлда курашган бўлардим. Шунинг учун «Ўзбекистон ССРда оилага ғамхўрлик, оналик ва болаликни муҳофаза этиш» ва «Ўзбекистон ССРда виждон эркинлиги» тўғрисидаги қонунлар ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришардим.

Еттинчи масала — бу Фарғона фожиаси тўғрисидаги ҳақиқатдир. Шу кунгача биз Фарғонадаги воқеалар тўғрисидаги тўлиқ ҳақиқатни билмаймиз. Шу пайтгача Фарғонадаги қонли ур-йиқитларнинг асл сабаблари ва мақсадлари ошкор бўлишидан чўчиётган баъзи кимсалар бу воқеаларни бизга гоҳ аллақандай «мафия», гоҳ турғунлик йилларининг амалдорлари, қайта қуришга қарши уюштирган ҳунрезлик, гоҳ икки миллат ўртасидаги миллий низо деб талқин қилинмоқда. Мен эса бу воқеаларни қуйидагича изоҳлаган бўлардим. Сабаби битта: халқимизнинг қашшоқлиги ва оч-наҳорлиги.

Саккизинчи, ўзбек халқини ниҳоятда ҳаяжонлантираётган ва ташвишлантираётган масала — бу жумҳуриятимиздан ҳарбий хизматга чақирилаётган йигитларнинг хавфсизлиги масаласидир. Ўтган йилнинг ўзида йигитлик бурчини ўтагани ой борган, аммо омон қайтмаган ўзбек аскарларининг сони 430 тага етди. Куни кеча рўзномамизда ҳурматли адибимиз Одил Ёқубов ва Темур Пўлатовларнинг «Огонёк» журналида чоп этилган «Ўғиллар армияга кетишяпти» сарлавҳали мақоласи кўчириб босилди. Унда баён қилинган воқеа ва келтирилган фактларга фақат қалби нотовон, ҳиссиз, тошбағир кишиларгина бефарқ қолишлари мумкин. Бурҳон Абдураҳмонов, Муҳиддин Бойхонов, Бахтиёр Қодиров, Насимжон Жабборов, Тўлибой Қутлимуродовлар хизмат қилган ҳарбий қисмлари командирларининг йигитларимиз ўлимини «касалликдан» ёки ўз-ўзига қасд қилганидан» деб изоҳлашлари эса аскарларимиз хотирасини таҳқирлашдан бошқа нарса эмас ва бу виждонли ҳар бир кишининг нафратини қўзғатади. Шу боис мен депутат бўлганимда Олий Советимиздан ва жумҳуриятимиз ҳукуматидан СССР ҳукумати ва Мудофаа нозирлигидан дунёдан бевақт кўз юмган ўзбек йигитларининг ўлими сабабларини батафсил текширишни, айбдорларни қонунга биноан жазолашни ҳамда йигитлик бурчини ўтаётган ва ҳарбий хизматга чақирилажак ўзбек шунқорларининг тўла хавфсизлигига кафолат берилишини талаб қилишлари, шунингдек қурилиш батальонларига олинадиган йигитларимизни жумҳуриятимиз ҳудудида олиб қолишни қатъи сўраган бўлардим.

Тўққизинчи масала — демократия, ошкоралик ва сўз эркинлиги тўғрисида. Мен депутат бўлганимда ҳам халқнинг мухтор вакили, ҳам қаламкаш сифатида чинакам демократия, ошкоралик ва сўз эркинлиги учун курашган бўлардим. Бу ўринда биринчи навбатда матбуотнинг мустақиллигини назарда тутмоқдаман. Негаки, ҳозирги кунда аксарият оммавий ахборот воситалари — радио, телевидение, рўзнома ва журналлар ҳали ҳам очиқчасига ишлаша олишмаяпти. Шунинг учун ҳам оммавий ахборот воситалари, шу жумладан рўзномалар биронбир ташкилотнинг органи бўлмай, балки ижтимоий-сиёсий ёшлар нашри бўлиши шарт. Ана шундагина у чинакам халқ минбари бўлади ва унинг орзу-умидлари, хоҳиш-истаги ҳамда ғам-ташвишини ҳаққоний ўзида акс эттириши мумкин. Шу хусусда «Ўзбекистон ССРда демократия, ошкоралик, сўз эркинлиги ва матбуот мустақиллиги» тўғрисидаги қонуннинг ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришардим.

Ва ниҳоят ўнинчи масала — бу бюрократияга қарши кураш. Мен депутат бўлганимда ўз фаолиятимни худди шундан бошлаган бўлар эдим. Чунки бюрократик аппаратни йўқотмай туриб санаб ўтилган муаммолардан биронтасини ҳам ҳал этиб бўлмайди. Шуни ҳам айтиш керакки, совет бюрократияси ғоят кўп сонли ва каттагина маблағга эга: мамлакатимиз бўйича 18 миллион турли-туман даражадаги раҳбарлар бўлиб, уларни «боқиш» учун миллионлаб сўм сарфланмоқда. Фикримча, биринчи навбатда уларни турли-туман имтиёзлардан маҳрум қилиш керак. Уларни ҳам эл қатори уй-жой, машина, ер, транспортга патта олиш учун навбатда туришга, озиқ-овқат маҳсулотларини бозордан олишга мажбур қилиш керак ва энг муҳими ҳамма соҳада барча бўғинлардаги бошқарув аппаратининг тўртдан уч қисмини қисқартириш лозим.

Мен албатта, юқорида ёзганларим билан Американи кашф қилмоқчи эмасман. Фақат бир тилагим, янги депутатларимиз ҳақиқатан ҳам халқнинг мухтор вакиллари эканликларини амалда исботласалар, илгаригиларга ўхшаб Ўзбекистон ССР Олий Советининг сессиясига фақат қўл кўтариб тушириш учун эмас, мени ёки редакциямизнигина эмас, бутун халқимизни ўйлантираётган муаммоларни ҳал этишда фаол қатнашсалар.

Фарруҳ РАҲИМ.

Мавзуга қайтиб

«Топталган тақдирлар»



РУЗНОМАМИЗНИНГ 1988 ЙИЛ 10 ДЕКАБРЬ СОНИДА АНА ШУНДАЙ САРЛАВҲАЛИ СУД ОЧЕРКИ БОСИЛГАН ЭДИ...

Ҳадиксираб, чўчинқираб ёзиш, бир гапни айтиб, иккинчисини айтолмаслик азоб. Бошинг узра қилич ўйнаётгандек туюлади. Олчоқлар, бебурдлар, қўли узунлар билан ўйнашиш қалтислигини, хавфлилигини ўйлайсан. Разолату, жаҳолат кафанига бурканиб, халқ номидан ёлғон сўзлаётганлардан ҳайиқасан. Хаёлингга «тилидан кетганлар» келаверади. Виждон билан, имон билан, исён билан ёзаётганлар, куйлаётганлар бошларига тушган мусибатларни ўйлайсан.

Ёзмаслик эса ундан-да азоб; виждон куйдиради, ўзингдан-ўзинг нафратланасан, қўрқиб яшагандан кўра, яшамаган афзаллигини англайсан. Диёнатли одамларга умид боғлайсан, қайта қуриш, ошкоралик истиқболига ишонасан. Шу умид, шу ишонч курашишга ундайди.

...Уларнинг бири ўн, иккинчиси саккиз йилга озодликдан маҳрум этилган эди. Тошкент вилояти суди раисининг ўринбосари Н. С. Артёмов асоссиз, адолатсиз ҳукмни қироат билан ўқиётганда Зулфия Аҳмедова 32, Рустам Аҳмедов 28 ёшда эди. Опаси партия, укаси комсомол аъзоси эди.

Артёмов ўзининг қора ҳукмини ўқиётганида залда Аҳмедовларнинг ота-онаси, укалари, қариндошлари, дўстлари ўтиришарди. Улар «одил судлов»га лаънатлар айтиб, залдан чиқишди. Уларнинг эътиқодлари, ишончларига дарз кетган эди. Ҳукмдаги ҳар бир сўз юрагига ўқ бўлиб қадалган онага қийин бўлди. Бир йўла унинг икки фарзандини бағридан юлиб олишди. Ғам-алам охири Раҳима опани йиқитди. У дардманд бўлиб қолди.

«Бегуноҳни жазолаган судья аввало ўзини жазолайди» дейишади. Кейинчи? Менимча у ишончни, эътиқодни, жамиятни ҳам жазолайди.

...Опа ва ука ҳар бири икки ярим йилдан қамоқда ўтиришди. Уларнинг ҳибсга олинишлари, қамоқда сақлаш муддатларини узайтиришда ва «ўз айбларига иқрор бўлишларида» жумҳурият прокурорининг собиқ ўринбосари О. Гайданов, шу прокуратура тергов бўлими бошлиғи В. Лаптев, ички ишлар нозирининг биринчи ўринбосари Э. Дидоренко «жонбозлик» кўрсатишди.

Маҳкумликда ўтирганларида опа-ука бошига не-не кулфатлар тушганлигини суд очеркида маълум қилган эдик. Ўзбекистон ССР Олий суди коллегияси аъзоларининг холислиги ва қатъиятлиги туфайли Аҳмедовлар оқланишди. Аммо уларнинг поймол бўлган ҳуқуқларини тиклаш осон бўлмади. Жумҳурият прокуратураси раҳбариятида Гайдановга қарши боришни ҳеч ким хоҳламади. Гайданов эса тиш-тирноғи билан Аҳмедовларнинг оқланишларига қаршилик кўрсатди. Уларнинг оқланишлари бу прокурорга жуда қимматга тушарди. Чунки ўша кезлари Гайданов қўли билан ҳибсга олинган ва қамоқда сақлаш муддатлари узайтирилган, кейинчалик оқланганлар сони 30 дан ошиб кетган эди. Бундан кейинги ҳар бир оқлов ҳукми Гайданов тожтахтига оғир, эҳтимол ҳал қилувчи зарба берарди. Агар оқланиб қолишса, анчагина саводли ҳуқуқшунос ҳисобланган бу икки жабрдийдадан осонликча қутулолмаслигини у тушунган бўлиши керак. Олий суд президиуми, пленумига протестлар берилди. Гайданов редакцияга очиқ хат ёзди. Газетада очиқ жавобни ҳам олди. Юқори ташкилотларга устимиздан арз қилди, юзма-юз гаплашдик. Мендан ўч олиш имкониятларини ишга солиб кўрди. Асабларимиз қақшаб юрган, бу жанжал нима билан тугаши ноаён ўша кезлари муштарийларимиздан ҳар куни хатлар олардик.

Олий суд президиуми ҳам Аҳмедовларни айбсиз деб топди. Протестни қаноатлантирмади. Гайданов барибир тинчимади. Олий суд пленумига протест берилди. Аҳмедовларнинг қамоқдан кейинги ҳар бир куни яна азоб билан ўтарди. Зулфиянинг юраги бу дардларга бардош беролмади, уни уйидан «тез ёрдам»да касалхона реанимациясига олиб кетишди. Редакциямизга эса саволларга, муаммоларга тўла хатлар ҳар куни келарди. Ўшанда уларнинг кўпларини эълон қилишни «замон кўтармасди».

«...Агар ағдан-бағдан олиб ёлғон гапирсанг ишонишади. Тўғри гапни ёқтиришмайди. Нега шундай экан-а?» —деб ёзган эди Фарғона вилоятидаги Ўзбекистон ноҳиясидан Наргиз Холматова.

Ёлғон гап бичиб-тўқилади, бўялиб, эшитувчига ёқадиган қилиб айтилади. Тўғри гап эса аччиқ бўлади.

«...Агар Гайданов фамилияси ўрнида Ғафуров ёки Ғуломов бўлганида аллақачон партиядан ўчиб, ишдан ҳайдалиб, эҳтимол қамалган бўлардилар. Гайдановга эса ҳеч нарса бўлмайди. Нари борса уни тинчгина «ўз аризасига кўра» бошқа ишга юборишади». (Қаршилик Ф. Ботиров хатидан).

Бу сўзлар айримларга қалтисроқ туюлиши мумкин. Миш-миш, шивир-шивирдан кўра очиқ гаплашсак, тушунмовчиликка, шубҳа-гумонга ўрин қолмайди. Хат муаллифи фикрига қўшилмаслик ҳақиқатдан юз ўгириш бўлади. Аммо гап фақат фамилияда эмас. Бизга «ёрдамга» келганларнинг кўпчилиги маҳаллий кадрларни ишдан четлаштиришга, бадном қилишга очиқдан-очиқ ҳаракат қилишди. Шахсан мен яхши билган ўнга яқин ҳалол, довюрак, тажрибали ички ишлар органлари ходимларига турли баҳоналар билан муносиб иш берилмади. Улардан билими, тажрибаси ўн чандон кам, маҳаллий шароитни, халқимиз руҳи, урф-одатларини, тилини мутлақо билмаганлар раҳбарлик лавозимларини эгаллашди. Эплашганда ҳам майлийди. Кўплари ишни издан чиқариб, қўпол хатоларга, қонунбузарликларга йўл қўйиб, келган жойларига қайтиб кетишди. Бу кейинчалик бўлди. Лекин ўз вақтида улар ҳақида очиқ гапиришга кўпчиликнинг юраги дов бермади. Тошкент темир йўли ички ишлар бўлими тергов бўлинмаси бошлиғи бўлиб ишлаган Ҳусан Кўчқоров редакциямизга бир йил илгари йўллаган хатида шундай сўзлар бор эди: **«Республикамиз раҳбарлари Рашидов «гипноз»идан сўнг ҳали ҳам ўзларига келмаган кўринишади, балки бу суд очерки уларни гипноздан холи қилар.**

Бизга ёрдамга келган кўпгина ходимлар нафақат покликда, билим ёки ишбилармонликда ҳам биздан устун эмас. Кўпчилигининг савияси бизда ишлаб турган оддий ходимлар савиясидан ҳам пастроқдир. Айнан улар юқори лавозимларда ишлаб, жиноятчиликка қарши курашга путур етказишаяпти».

Бу сўзларни ўша пайтда унча-мунча одам ёзмасди. Ёрдамга келганлар салтанатига дарз кетмаган эди ҳали. Кўчқоров бундан чўчимади, улар билан курашишга, айбларини фош этишга тайёр эканлигини билдирди. Унинг ҳақлигини вақт кўрсатди. Гайданов, Дидоренко, Лаптевларни қўя турайлик. Тошкент шаҳар прокурорлари Теркин, Желтков, унинг ўринбосари Паньков, Фарғона вилояти прокурорининг ўринбосари Галкин, Тошкент вилояти прокурорининг ўринбосари Торопов, Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари Русских ишни уддалай олмай, ножўя хатти-ҳаракатлари билан шармандаи-шармисор бўлишди. Уларнинг тажрибаси, маҳорати Ўзбекистонда эгаллаган лавозимларига номуносиб эди. «Ёрдамчи»ларнинг кўплари илгари масъул лавозимларда ишламаган, ўз меҳнат жамоаларида обрў-эътибор қозонмаган эдилар.

Кези келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, туб аҳолига мансуб айрим прокурор ва терговчилар ҳам қонунни поймол қилишда «ёрдамчилар»дан сира қолишишмади, айримлари уларга малайлик қилишди. Бу «хоинлар»нинг номларини айтадиган кун келмадимикан?

«Тарих фани ўқитувчисиман. Мақолани жамоамизда ўқиб, муҳокама қилдик. Зулфия опа ва Рустамжонлар матонатига қойил қолдик. Ҳақиқат, ошкоралик борлигига ишондик. Бизнингча, ҳали сўнгги сўз айтилгани йўқ. Мафират Жайнақова, Тошлоқ ноҳиясидаги 17-мактаб».

Ҳа, сўнгги сўзни айтиш осон бўлмаяпти. «Тартиб ўрнатишга» келиб бегуноҳ одамларни қон қақшатганлар енгил жазолар олиб ёки олмай кўчиб кетишаяпти. Лекин бари бир сўнгги сўз айтилмоғи керак. У айтилишига ишонамиз.

«Бир коммунист сифатида ачиниб шуни айтаман, 1941 йилнинг у ёғида бўлган ноҳақликлардан жабрланганлар озмиди? Наҳотки бир виждонсиз, туҳматчи, жамиятимизга сариқ чақалик фойда келтирмаган Куловининг кўргазмаларига тергов ходимлари, прокурор, вилоят суди ишонган бўлса...

Аҳмедовларни ноҳақ қамаганларга қандай чора кўрилди? Туҳматчи Куловага-чи?

Р. Ғуломов, Комсомолобод ноҳияси».

«Ёш ленинчи», «Қишлоқ ҳақиқати» ва «Сельская правда» газеталарида Гайданов ва гайдановчилар қилмишлари фош этилди. Жумҳуриятимиз раҳбарлари, прокурори, ички ишлар собиқ нозири қатнашган матбуот конференцияларида қайта-қайта гапирилди. Бугунги кунда эл ҳурматини қозониб, СССР халқ депутатлари бўлган олимимиз Эркин Юсупов, журналист Аҳмаджон Мухторов жумҳуриятимизда рўй бераётган қонунсизликларга қарши жон куйдириб курашишди. Улар парламент аъзолари сифатида ҳозир ҳам курашишмоқда. Жабрланиб, сўнг оқланганларнинг юзлаб хатлари, телеграммалари Москвадаги нуфузли идораларга, СССР Бош прокурорига юборилмоқда.

Тошкентлик Эркин Абдураҳмонов ўз хатида алам ва ғазаб билан жумҳуриятимиздаги муаммолар ҳақида фикр юритади. Аҳмедовлар ва бошқа айбсиз кишиларни қамаганлар қаттиқ жазоланишини талаб этади.

— Сўнгги сўз тезроқ айтилмас, адолат қарор топмас экан, — деб ёзади ЎзССР Фанлар академияси илмий ходими М. Мамадалиев. **— суд прокуратура ходимларига, раҳбариятга халқнинг ишончи ортиш ўрнига сўнади».**

«Энг фожиали жойи шундаки, улар бизнинг энг нодир бойлигимиз, энг олий кошонамиз — халқлар дўстлигига ёмон тош отдилар. Бундай зарб хатарлар ичида энг хавфлисидир».

(Бухоролик М. Бўронов хатидан).

Ёрдамга келганлар орасида ўз вазифасини виждонан бажарганлар йўқ эди десак, адолатдан бўлмайди. Буни илгари ҳам таъкидлаганман. Бироқ, уларнинг аксарияти ғоявий-сиёсий билим, касб-маҳорати пастлиги, маънавияти носоғломлиги билан ўзларини кўрсатишди. Маҳаллий халқнинг ориятига тегадиган, ғururини топтайдиган хатти-ҳаракатлар қилишди, оқибатда миллий адоватлар кучайди. Бу «ёрдамчилар» келтирган энг катта зарар бўлди.

Аввало ёрдам сўрашга ҳожат йўқ эди. Сўралибди ҳам дейлик, ёрдам беғараз бўлиши керак эди. Бу муттаҳам, калтафаҳм, саводсизларни юборган раҳбарлар бизни бўлмаса ҳам ўз обрўларини ўйлашлари керак эди-ку.

Ҳозир кадрлар сиёсатида катта хатога йўл қўйилганлиги тан олинаяпти, гапирилаяпти. Лекин бу гаплар, огоҳлантиришлар, ҳайфсанлар чирқираб қолган минглаб ҳамюртларимиз юрагидаги яраларга малҳам бўла олмайди. Йўл қўйилган қонунсизликлар принципиал ўрганилиб, ҳисоб-китоб қилиниб, айбдорларга тегишли жазолар кўрилиши СССР Олий Совети, СССР прокуратураси, Адлия ва Ички ишлар нозирликларидан қатъий сўралиши керак. Бу масалани эҳтимол жумҳуриятимизнинг яқинда сайланган халқ депутатлари кўтаришар?

«Гайданов қонунни бузганлиги ва ўттиздан зиёд бегуноҳ инсонларни хонавайрон қилганлиги учун нега жавобгарликка тортилмади?

Ўша Гайданов, Бутурлинларнинг ҳамтовоқлари бўлмиш Бухоро вилояти прокурори Г. Матюшов томонидан ҳам кейинги икки йил ичида кўплаб ҳалол кишилар ғайри-қонуний қамалганлар ва охирида айбсиз топилиб оқланганлар.

Гайданов фақат 30 дан зиёд киши учун эмас, балки жумҳуриятимизда асоссиз қамалган юзлаб кишилар учун жавобгардир. Чунки у жумҳуриятимизда тергов органлари устидан назорат қилувчи раҳбар эди.

Ноҳақ жабрланганларнинг бири ўзимман. Матюшов ва Гайдановлар айби билан асоссиз 14 ой қамоқда ётдим. Партия сафидан ўчирилдим, ишдан ҳайдалдим, хонавайрон бўлдим. Охирида айбсиз деб топилдим.

С. Сатторов, Бухоро шаҳри».

Кўпчилик хатларда Аҳмедовларга туҳмат уюштирган Куловага нисбатан қандай жазо кўрилганлиги сўралган. Ҳеч қаерда ишламаган, ўқимайдиган, турар-жойининг тайини йўқ бу шахсга ҳеч қандай чора кўрилмади. Ваҳоланки, унинг устидан жиноий иш қўзғашга етарли асослар бор эди. Яқинда ички ишлар нозирлиги раҳбарияти янгиланди. Прокуратура Гайдановдан қутилди. Кулова шахси ва жиноий иши билан шуғулланиш ҳозир ҳам кеч эмас. Акс ҳолда у яна кимларнингдир ҳаётини заҳарлаши мумкин.

«Мақолада номлари тилга олинган кишилар илгари қаерда ишлашган?» Бу саволни ҳам кўпгина хатларда учратиш мумкин. Оддий участка инспектори, жиноят қидирув ходимлари бўлиб ишлаган бир қатор «ёрдамчилар» бизда раҳбар лавозимларни эгаллашди. Шаҳар марказидан квартиралар олишди, дала уйлари қуришди.

«Мен юрист бўлмасам ҳам, илгари бир неча бор судланган жиноятчи билан юристни бир камерага қўйиш мумкин эмаслигини яхши биламан... Биз совет гражданлари бегуноҳ икки ярим йил азоб тортган Зулфия Аҳмедова ва унинг укаси тақдирига томошабин бўлиб туролмаймиз. Қонун олдида ҳамма баробар эканлигини унутмайлик. Султон Маҳмудов, Тошкент».

«...1985 йил 5 августда қонунсиз равишда ҳибсга олиндим. Мени камерада илгари бир неча бор судланган икки жиноятчи рецидивистлар: Соловьёв Юра ва Баширов Гена деганлар кутиб олишди, — деб ёзади тошкентлик Темир Рўзиев. **— Уларнинг камерасида ҳамма нарса бор эди. Наша, кўкнори, чой, фильтрли сигарет, спиртли ичимликлар, ҳар хил тансиқ овқатлар. Улар мендан ўз бошлиқларим устидан кўрсатма беришимни талаб қилишди. Мен ёзиб бермадим. Шундан кейин улар мени дўппослаб, уриб кетишди, кўкракларимга тепишди, бир неча марта бўғишди.**

Кейин улар менга нега ўз жонингга қасд қиласан, биз айтган нарсаларни ёзиб бермасанг, бу ердан тирик чиқиб кетмайсан, дейишди. Сенга ўхшаганлардан бир нечасини қўлимиздан ўтказганмиз. Айтганимизни ёзиб бермаганлиги учун осиб ўлдирганмиз. Сени ҳам шундай қиламизда, ўзини-ўзи осиб қўйибди, деймиз. Акт қилиб, бизнинг айтганимизни тасдиқлашади.

Бу тергов ишларини олиб боришда ЎзССР прокурори ўринбосари Гайданов ва жумҳурият прокуратураси тергов бўлими бошлиғи Лаптев бошчилик қилишар эди.

Мен камерада ётган уч ой давомида турли ташкилотларга ўнлаб шикоятлар ёздим. Ҳамма шикоятларим тергов группаси бошлиғи Запорожец Н. Ф. томонидан йўқ қилиб юборилди. Бирорта жавоб олмадим. Булар ҳаммаси 1987 йил шаҳар судининг аъзоси Мирзаолимов М. Қ. раислигида тўққиз ой давом этган суд жараёнида тасдиқланди. 1988 йил 18 майда суд ҳукми билан оқландим. Мен уч йилга яқин турмада ёпиқ режимда ҳибсда турдим. Соғлиғимни йўқотдим».

Тергов «тажрибаси»да бегуноҳ инсонларни учига чиққан жиноятчилар қўлига топшириш авж олган эди. Баширов ва Соловьёв деган шахслар номлари бошқа суд жараёнларида ҳам қайд этилган.

Ҳозир Баширов ва Соловьёв яна қамоқда ўтиришибди. Йўқ, улар камераларда одамларни хўрлаганликлари, қийнаганликлари учун жазоланишмаган, ...Соловьёв ва Баширов вақтинчалик сақлаш изоляторидан кўчага чиқиш имкониятига эга бўлишган. Кўпроқ тунда. Соловьёв илгари ўғрилик, қароқчилик қилган, қасддан одам ўлдирган. Айбланувчилар билан камерада сақланган пайтларида бемалол ташқарига чиқиб юрган. Ўша кезлари Тошкент шаҳри ва Тошкент вилояти территориясида 12 марта ўғрилик, талончилик ва қароқчилик қилган. Ҳатто у баъзан милиция формасида кўчага чиққан.

Саккиз боланинг отаси тошкентлик Абдусамад Ғуломов аризасидан сатрлар: **«1960 йилдан юк ташувчи — экспедитор бўлиб ишладим. 1985 йил 15 августда мени қамоққа олишди. Камерада Акмал, Игорь, Ўткир деганлар терговчилар айтганларини ёзиб бер, деб талаб қилишди. Ўткир қўлимни қайирди. Игорь пастки тўртта тилла тишимни суғирди, Акмал қошиқни қиздириб милкимга босиб турди...»**

Ғуломов устидан қўзғатилган иш бир неча бор қайта тергов қилинди, судларда кўрилди. Охири қамоқда ётган икки йилу етти ой ўн уч кунга мослаб ҳукм қилинди ва суд залидан озодликка чиқарилди.

Кўрдингизми, ҳатто ақл бовар қилмайди. Қайси замонда, қайси тузумда, қайси қонун ҳимоясида яшаяпмиз, деб даҳшатга тушасан киши.

Тергов жараёнларига жиноятчиларни жалб этган, уларни камераларга киритган, кўчага чиқишларига имкон яратиб берганлар, кимлар? Уларга қандай жазолар берилди? Бу саволларга жавоб топиш қийин. Агар жавоб ололсак, уни халққа, жабрланганларга ошкор этардик. Бундай ошкоралик қонунсизликлар олдини олишга хизмат қилган бўлур эди.

«Ҳозирги кунда ёзилаётган шикоятларнинг анчаси мансабдор бюрократларнинг одамлар арз-додига эътибор бермаслигидандир. Қонуншуносларнинг аксарияти одамлар тақдирига бефарқ қарайдилар. Эшматнинг илтимосига кўра, Тошматни йўқотиш керак бўлади...

Юз бераётган камчиликлар учун ҳаммамиз жавобгармиз, коммунистлар, Олий Советга сайланган депутатлардан тортиб, қишлоқ Совети депутатларигача, зиёлилар армиясигача...

Р. Ҳожиқулова, Ш. Кўчаров У. Шохлиев, Деҳқонобод ноҳияси».

Юз бераётган камчиликлар... Адолатсизликлар, қонунсизликлар, камситишлар, қора чаплашлар... Ҳа, ҳаммамиз айбдормиз. Лоқайдлигимиз, қўрқоқлигимиз, сукут сақлаганимиз, қонуний ҳуқуқларимизни билмаганимиз учун айбдормиз. Энди-энди кўзимиз очилаяпти, ҳақиқат уйғонаяпти, ҳақиқат куйланаяпти, софланаяпмиз, покланаяпмиз. Қайта қуриш, ошкоралик, янги раҳбарият шарофати билан, улардан ҳали умидларимиз катта.

Жиззах шаҳри Навоий жамоа хўжалигидан турли касб эгалари Умарқул Эгамов, Исроил Алиқулов, Шароф Ҳолматов, Жўрақул Номозов, Иброҳим Расулов, Турсунбой Ҳазратқулов ва бошқалар йўллаган хатдан: **«Қайта қуриш бу инқилобий жараён дейилганда ҳайрон бўлган эдик, инқилоб бўлса, кимга қарши урушамиз деб. Билмаган эканмиз, ичимизда душманлар кўпайиб кетганини. Илгариги инқилобда кураш осонроқ бўлганми, деймиз, бирови оқ, бирови қизил, ким-кимга қурол ўқталишини билиб турган. Биздачи! Қонунни назорат қиладиганларнинг ўзлари унга риоя этмасалар, уни телба-тескари қилиб, машъум мақсадлари йўлида фойдалансалар!**

Ҳамма ноҳақ қамалганларнинг айбдорлари устидан тергов олиб борилиб, очиқ суд қилинсин! Зулфия ва унинг укаси Рустам ўз ўрнига тиклансин! Зулфиянинг партия билети қайтиб берилсин! Қайтиб берилгандаям бу коммунист қиздан кечирим сўралиб, омма ўртасида берилсин!

Унинг қамоқда ўтирган пайтларидаги иш ҳақлари ундириб берилсин! Ундириб берилгандаям давлат киссасидан эмас, ўша айбдорлар чўнтакларидан ундириб берилсин. Биз ўшандагина қайта қуришга ишонамиз. Айбдорлар жазоланишини талаб этамиз».

Тошкент шаҳрида истиқомат қилувчи Аброр Расулов шундай ёзади: **«Ўта хавфли жиноятчилар билан биргаликда 51 кун сақландим. Юзлаб шикоятлар ёздим. Ҳаммаси бефойда бўлди. Устимдан қўзғатилган жиноий иш материаллари икки марта Тошкент шаҳар судида, икки мартда ЎзССР Олий судининг жиноий ишлар кассация коллегиясида, икки марта ЎзССР Олий судининг президиумида кўрилди. Сўнгра СССР Олий судининг қарори билан Қозоғистоннинг Чимкент вилоят судида кўриб чиқилди ва ЎзССР ички ишлар министрлигига қайта тергов учун юборилди...**

Мана, орадан беш йил вақт ўтаяпти, лекин ҳамон охири кўринмайди. Икки йилу, етти ой қамоқда ўтирдим. Ҳозир икки йил бўлди, озодликка чиққанимга. Бирор жойда ишлай олмайман, чунки иш жойимдан бўшатилганман. Ваҳоланки ҳозиргача суд ҳукми йўқ. Бу қандай қонунсизлик! Кимнинг қабулига борсам, елка қисади. Менинг ҳам оилам, фарзандларим бор. Уларни едириб, кийинтириш, тарбиялаш керак».

Тошкентлик А. Кальцин ҳам қонунсизликдан жабрланаётгани ҳақида ёзади.

Одамлар йиллаб, қон ютиб, асаблари емирилиб, адолатни кутишмоқда. Ноҳақлик, сансалорлик қурбони бўлиб ётишибди. «Айбимиз бўлса айтишсин, ҳукм чиқаришсин, бўлмаса озод қилишсин, Ахир биз ҳам инсонмиз-ку. Оиламиз бор-ку», дейишмоқда.

Терговларнинг эса адоғи кўринмаяпти. Судлар оқни-оққа, қорани-қорага ажратолмаяпти. Менимча зўрма-зўраки олинган кўрсатмалар, хом-хатала тергов материаллари, судларда томонлардан бирига ён босиш, масъулиятни зиммага олмаслик оқибати бу.

Куни кеча Тожикистоннинг Ўратепа шаҳридан яна бир хат келди. **«...Аҳмедова Зулфия ва Аҳмедов Рустам тақдири ҳақида ўқиган эдик. Лекин натижасини билолмадик. Улар тақдири нима бўлди? Нотўғри иш олиб борганлар жазоландими?**

ҲАФИЗОВЛАР оиласи».

Ўзбекистон ССР Прокуратурасидан келган жавобдан: **«...Аҳмедова Зулфия Муҳамедовна республика прокурорининг 484-сонли буйруғига асосан 4 август 1989 йилдан аввалги лавозимига, яъни судларда жиноят ишларининг кўрилиши устидан назорат қилиш бўлими прокурори ва унинг укаси Аҳмедов Рустам Муҳамедович Тошкент область прокурорининг 268-Л сонли буйруғи билан Тошкент район прокурорининг ёрдамчиси қилиб тайинланди».**

Айбдорларга қандай чора кўрилганлиги тўғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ. Чунки чора кўрилмаган. Уларнинг кўплари жумҳуриятимиздан кетиб, бошқа жойларда раҳбар лавозимларда ишламоқда. Адлия министрлигидан ҳам жавоб олмадик. Асоссиз ҳукмлар чиқарган судьяларнинг кўпчилиги ҳамон ишлаб юришибди.

Яқинда Зулфия Аҳмедованинг ўзидан ҳам мактуб олдик. У редакциямизга хат йўллаган, адолатсизликка бефарқ бўлмаган барча муштарийларга миннатдорчилик билдирибди. У жумладан шундай деб ёзади: **«Мен ва укам Рустам каби юзлаб бегуноҳ кишиларнинг оқланишида жумҳурият Олий судининг собиқ раиси Содиқжон Йигиталиевнинг ҳалоллиги ва принципиаллиги катта роль ўйнади. Афсуски, бундай фаолияти учун уни ишдан олишди...**

Қанчалар айбсиз одамлар ҳамон қамоқда ўтиришибди. Улар қайта қуриш ва ошкораликдан умид қилишаяпти. Ҳақиқат бир кунмас бир кун барибир тикланади деб ўйлашаяпти...»

«Ҳақиқат бир кунмас бир кун барибир тикланади» ...Бу илинж вайрон бўлган, аламзада, зим-зиё қалбларни милтиллаб ёритиб турибди. Дунёда ёруғлик борлигини эслатиб турибди.

Нажот истаб, адолат сўраб, фарёд қилаётганлар... Қачонгача давом этади бу бедодлик?!

Адолат бўлмаган жойда норозилик туғилади. Эли норози юрт нотинч бўлади. Нотинчлик мамлакатни ичидан емира бошлайди. Норозилик, нотинчлик сабабчилари жиноятчилар ҳисобланмоғи даркор. Жазосиз қолган ҳар бир жиноят эса янги жиноятчиларни келтириб чиқараверади, тақдирлар яна топталаверади...

Сафар ОСТОНОВ.

Хориждан хабарлар



ЦЮРИХдаги марказий вокзал яқинида жойлашган «Платцшпиц» боғига шаҳар аҳолиси ҳар доим ҳам ташриф буюравермайди. Нега дейсизми? Чунки бу боғни наркоманлар эгаллаб олган учун доимо полиция хизматчилари қаттиқ назорат қилиб туришади. Шаҳарда уларнинг сони йил сайин ортиб бораётгани кўпчиликни ташвишга солаяпти.

СУРАТДА: Боғ «соҳиб»лари.

(ТАСС сурати).

Ўзини ҳимоя қилиб

ПЕКИН. Хитой адолат маъбудаси жиноятчиликнинг пайини қирқиш учун қаттиқ чоралар кўрмоқда. Пекин суди ўтган йилнинг апрель—июнь ойларида «ўғирлик, дайдилик ва безорилик билан шуғулланган» Ляо Цзяньчэн ва унинг икки ҳамтовоғини ўлим жазосига ҳукм қилди, деб ёзади «Бэйцзин жибао» газетаси. Улар, жумладан хусусий дўконга ҳужум қилганликда айбланадилар. Ўғрилар бу ҳужум вақтида дўкон эгасига пичоқ уриб, уни оғир ярадор қилган эдилар.

Хитой пойтахтида мамлакатда дастлабки «Хотин-қизларнинг ўзини ўзи ҳимоя қилиш воситалари мактаби»га ўқувчилар қабул этилиши маълум қилинди. Мактаб директори Сю Юаннинг сўзларига қараганда, «шаҳарларда яшаётган ҳозирги аёллар улар анча кам муҳофаза этилганликлари, айниқса жамоат транспортида уларга тез-тез ҳужум қилинаётганлиги учун бундай тайёргарликка муҳтождирлар».

Хайрия концерти

НЬЮ-ЙОРК. Нью-Йоркдаги «Радио сити холл»да жаҳонга машҳур қўшиқчилар ва мусиқа коллективлари иштирокида хайрия концерти бўлди. Томошадан тушган 2,5 миллион долларга яқин пулни шу концерт ташкилотчиси — «Аристи рекордс» овоз ёзиш компанияси СПИД касаллигига йўлиққан америкаликларнинг ёрдам жамғармасига ўтказди.

«Нима учун дўстларимиз бор?» деб ном олган концертда Уитни Хьюстон, Диони Уорвик, Карли Саймон, Дэрил Холл ва Жон Оутс сингари машҳур ижрочилар, «Юритмикс», «Милли ванилли», «Эйр сэплай» группалари ва бошқа кўп коллективлар қатнашди.

(ТАСС).

Ранг-баранг олам

Энг, энг, энг...

✦ ДУНЁДА энг баланд дарахт Калифорния штатидаги (АҚШ) хиёбонлардан бирида ўсаётган, «Говард Либби» деб номланган секвой дарахти экан. Унинг баландлиги 110 метр.

Тарвақайлаб кетган шох-шаббаларининг диаметри бўйича рекорд натижани ҳинд баньяни эгаллаган. 1929 йилги ҳисоб-китоб бўйича шохларининг диаметри 300 метрни ташкил этган. Ўшандан бери бу дарахт яна ўсган.

Сайёрамизда энг қари дарахт Шарқий Неваданинг (АҚШ) тоғларидан, аниқроғи 3275 метр баландликдан топилди. У тукли қарағай бўлиб, танасининг диаметри 6,4, баландлиги атиги беш метрдан ортиқроқ, лекин ёши эса 4900 да.

Дунёда энг йўғон дарахт Сицилиядаги Этна тоғида ўсаётган каштан (қорақайинлар оиласига мансуб дарахт) ва шарқий Туркияда ўсаётган чинордир. Каштан дарахтига қачонлардир чақмоқ тушган ва шундан сўнг ҳам танасининг диаметри 51 метрни ташкил этади, чинор эса 42 метр.

Ажойиб коллекционер

✦ ПОНТА-ГРОС шаҳрилик (Бразилия, Парана штати) дорихона соҳиби Хосе-Лопес Латеньос локомотивлар гудогини «йиғиб» юради. Неча йилдирки, у меҳнат таътилини қўлида магнитафон кўтарган ҳолда Лотин Америкасини сайр қилиш билан ўтказади.

Ҳозир унинг фонотекасида 357 хил локомотив гудогининг овози сақланмоқда. Улар орасида ҳозирги замон электровозларидан тортиб XIX аср паравозлари гудокларининг овозларигача бор. Қизиғи шундаки, тарихий мавзудаги фильмларни суратга олувчи турли кинофирмаларнинг овоз операторлари кўпинча Латиньосникига илтимос билан келишади, деб ёзишибди ГФРнинг «Франкфуртер альгемайне» рўзномасида.





Наврўз телепойгаси кўпчиликнинг ёдида узоқ вақт сақланиши табиий. Зеро, бу кўрсатув лаҳзаларида жумҳуриятимизда янги кун билан биргаликда кишилар қалбида янги руҳ, меҳр-шафқат туйғулари ҳам уйғонди.

Сиз суратларда телепойга меҳмонлари ва мезбонларини кўриб турибсиз.

Сурат муаллифлари Б. СИДИҚОВ, М. ГРОСМАН.

САХОВАТЛИ ЭЛНИНГ УЙҒОНИШИ

(Боши 1-бетда).

Энг аввало, ушбу ташаббус боис қатағон қилинган Наврўз бир кечаю-кундуз байрам қилинди. Қадимдан бу байрамнинг нияти бўлган саховат, етимларга хайри-эҳсон, беморларга шифоталаблик шу кеча-кундуз жумҳурият иши даражасига кўтарилди. Ташаббускорларнинг эътирофи бўйича жамғарманинг аксар қисми корхона ва ташкилотлар эҳсонидир. Энди бу маблағ элнинг дардларига малҳам бўлади. Лекин дардларимиз жуда чуқур илдиз олиб кетган. Бу ташаббус фақат ибрат бўлиши керак.

Ҳақиқатан ҳам корхоналар маблағининг ушбу телепойга ёрдамида халққа ўтказилиши хайрли иш. Чунки меҳнаткашлар яратган маҳсулотлар баъзан корхоналарда енгилгина қайта ишланиб, шу корхонада катта даромад олмоқдалар. Пахта етиштирувчи давлат ва жамоа хўжаликлари йил бўйи тер тўкиб етиштирган ҳосилга озроқ буғ бериб, тозалаб, пахта заводлари, транспорт ташкилотлари катта даромад қилаяпти. Саноқли одам ишлайдиган ҳар қандай пахта заводининг даромади бир неча минглаб кишилар меҳнат қилаётган давлат ва жамоа хўжаликларининг даромадидан юқорироқдир. Масалан, Ургутдаги тамаки заводи давлат ва жамоа хўжаликлари топширган тамакини дастлабки қайта ишлашдан ўтказиб, марказдаги заводларга фабрикаларга шартнома асосида сотади. Унинг даромади шу ноҳиядаги бир неча хўжаликларнинг даромадидан кўп. Холбуки, деҳқонлар йил бўйи меҳнат қилиб, озгина ҳақ оладилар тамакини улар бир неча кунда қайта ишлаб, бир неча бор кўп фойда олмоқдалар. Бундай фактлар анчагина. Жумҳурият ерида жойлашган Иттифоқ тасарруфидаги корхоналар ҳам ушбу хайрли ишга улуш қўшсалар яхши бўларди. Совет-Италия қўшма корхонаси «Совплиталстал» «Наврўз» жамғармасига 50 минг сўм пул ўтказди. Унинг издошлари қани?

Медицина ходимлари ва нозирлик «Наврўз» жамғармасига хомий ҳисоблар бўйича 1 миллион 133 минг сўм ўтказдилар. Бу меҳр-шафқат соҳиби бўлмиш шифокорларнинг қалб тубидан чиққан яхшиликдир. Биз кейинги пайтлар тиббиётимиз оғир аҳволи ҳақида жуда кўп [illegible]. Врачларнинг малакасизлиги оқибатида ҳам касалликлар келиб чиқаётганлиги энди сир эмас. Ниналарнинг яхши қайнатилмаслиги оқибатида йилига 40 минг киши сариқ касалига чалинади. Уларнинг 28 мингги болалардир. Ҳукумат болалардаги сариқ касаллигини даволаш учун ҳар йили 200—250 миллион сўм сарфлайди. Бунинг қаршисида хайр-саховат қилинган пуллар ҳолва. Албатта, одамларнинг бу қадар касалга чалинаётганининг сабаблари кўп. Маиший қийинчиликлар, иқтисодий қашшоқлик, теварак-атроф табиатининг бузилиши, оғир меҳнат шароити — шу сабабларнинг бир қисми, холос.

Наврўз байрами куни Тошкент шаҳрида уюштирилган савдо сотуви пайтида икки ерда катта навбатни, одам ўтиб бўлмас ур-йиқитни кўрдим. Нима сотишаётган экан деб айланиб ўтиб қарасам, аптекачилар дори-дармон сотишаётган экан. Бу одамларнинг ҳаддан зиёд дардга чалиниб кетганлигини кўрсатади. Бу бизни ташвишга солиши керак. Уюштирилган хайрия фонди улкан ишнинг бошланишидир.

Жумҳурият далаларига узоқ йиллардан буён заҳарли дорилар сепилмоқда. Олимларнинг кафолат беришича, заҳарли дориларнинг зарари атом электростанцияларининг чиқиндиси зараридан 8—10 баробарга зиёд. Бугун жумҳурият аёлларининг 80 фоизи камқонлик дардига дучордир. Йигитларнинг ҳар уч учтасидан бири армия хизматига яроқсиз. Модомики, биз ана шу кишиларга ёрдам беришга киришган эканмиз, энди халқнинг, ўзи шундоқам тийиннинг санаб юрган халқнинг саховати ибрат бўлиши керак. Албатта, бизда саноқли бўлсада, бойлар ҳам бор. Мен бир нарсани кузатдимки, ўша минг-минглаб пулни полга ташлаб, устига кўрпача ёзиб ағанаб ётган бойваччалар хайрия фондига пул ўтказишмади. Пулни яна қашшоқлик нима эканини биладиган, нафақага қараб ўтирган пенсионерлар, талабалар, кетмон чопаётганлар, станок ёнида ўтирган ишчилар кўпроқ ўтказдилар.

СССР Министрлар Советининг раиси Н. И. Рижковнинг таъкидлашича, мамлакатда 40 миллион кўпга кун кўрадиган қашшоқлар бор. Шуларнинг 9 миллиони бизнинг жумҳуриятимизда, ёнверимиздадир. Бунинг устига жумҳуриятимиз хом ашё базасига айланиб қолиши иқтисодий ночор аҳволга солди. Иттифоқдаги асосий газ қазиб олинадиган тасарруф бўлмиш жумҳуриятда қишлоқ жойларида газ билан таъминланиш 17,9 фоизга [illegible] холос. Қашқадарё, Самарқанд вилоятларида газлаштириш кўнгилдагидек эмас. Биз тилга олган Ургут ноҳиясида 0,8 фоиз хонадон газ билан таъминланган. 99,2 фоиз кишилар табиий газни фақат орзу қилиб келмоқдалар. Чумчуқли, Мирзабоғлон, Чеп каби қатор қишлоқлар одамлари ҳовуздан сув ичадилар ва шу ҳовуздан сигирларини суғорадилар. Бу осмонга ракеталар учираётган мамлакат учун уятли хол. Ўзбекистон телевидениеси уюштирган хайрия фонди, албатта, бу ташвишларнинг мингдан бирига зўрға етади. Ўйлаймизки, халқнинг ўзидан чиққан бу ташаббус ҳукумат учун сабоқ, ибрат бўлади. Энди халқнинг аҳволини тубдан яхшилаш учун давлат дастурини тасдиқлаб, кенгроқ кўламда чора кўрмасак бўлмайди.

Ўша куни ва оқшом Ўзбекистон телевидениеси марказига келувчи одамларнинг кети узилмади. Улар экранда кўрсатилган Ойбек, Муаззам каби ногирон болаларнинг, ночорларнинг тақдиридан фиғонлари фалакка чиқиб, ўзларининг имкон қадар улушларини қўшишга ҳаракат қилдилар.

Ушбу телепойгани олиб борувчилар номига бир неча ғалати хат тушди, қўнғироқ бўлди. Дадахон Ёқубов ва Жаҳонгир Маматов мендан ушбу қарашларга фикр билдиришни ва уларнинг фикрини газетхонларга етказишни сўрашди. Ўша хатларнинг мухтасар мазмуни шундай: «Ахир, бу шундоқ ҳам қашшоқ халқни талаш-ку, одамларнинг меҳрини уйғотиб, сўнгги пулларини олиб қўйиш-ку».

Нима ҳам дердик. Энг аввало, бу қараш ўзларининг пулларини хайр-эҳсон учун олиб келган саховатли ҳамюртларимизнинг номига туҳматдир. Чунки уларни биров мажбур қилган эмас. Хайр-эҳсон уларнинг кўнгил майлидан туғилгандир. Буни «тиланчилик» деб айтаётган айрим нотайин кишилар ўша саховатпеша одамларнинг хайр-эҳсонини, сахийлигини ҳурмат қилмаяптилар. Шубҳа остига қўймоқдалар. Йўқ, бу одамлар — ўз ҳисобидан етим-есирларга эҳсон қилаётганлар ўшалардан кўра юз бора ҳалолроқдир. Иккинчидан, ушбу фонднинг аксар маблағи, аввал айтганимиздек, корхона ва ташкилотлардан тушди. Учинчидан, бу ташаббус халқимизнинг минг йиллар давомида шаклланган одатидир. Ахир қадим-қадимлардан одамлар ўзларидан ортган нарсаларини масжидларга келтириб бергани, имом ва эшонлар ўша пуллар ҳисобига етимхоналар қурдиргани маълумку. Бугун ушбу ишни Ўзбекистон телевидениеси, жамоат ташкилотлари ўз зиммасига олганидан қувонмоқ керак.

Айрим тилакларимизни ҳам айтишни истар эдик. Барибир ушбу телепойга давомида айрим ташкилий ишларнинг маромига етмагани сезилди. Бу табиий, зеро, илк қўйилган қадамдир. Телепойга Халқлар Дўстлиги саройи каби каттароқ кошонада ўтказилса яхши бўларди. Чунки патта олиб кирган кишиларнинг эҳсони ҳам бўларди. Ўша куни шаҳарнинг бир қанча саройларида адабий кечалар, таниқли хонандаларнинг, сўз усталарининг, яккахон санъаткорларнинг чиқишлари уюштирилса, бу ишлар марказлаштириб турилса бўларди. Ушбу байрамга тайёргарлик телевидение экранидан қайта-қайта хабар қилинишига қарамасдан, оммавий тус олган эмас. Ҳамма кассаларда ҳам одамларнинг эҳсонини қабул қилавеpишмади. Ҳамма жойларда ҳам маъмурлар ушбу ташаббусни тушуниб етавермадилар. Бунинг устига хайрия телепойгасининг байрам билан бир кунда ўтказилиши театрналистларга ўша етим-есирлар аҳволини, ногиронларнинг турмушини кенгроқ кўрсатишга имкон бермади. Чунки ҳадеб қайғуни намойиш қилавериш кишиларнинг кайфиятини тушириб қўйишидан хавотир қилган бўлсалар керак.

Ушбу жамғарманинг ишлатилиши ҳусусида. Ўйлайманки, фонднинг ташкилотчилари унинг қаерга ишлатилишини қатъий назорат остига оладилар ёки бевосита ўзлари ишлатадилар. Албатта, бу маблағ билан ҳаммаёқни тузатиб бўлмайди. Аммо мен ушбу хайрли ишдан бизнинг ҳарбий хизматдан ногирон бўлиб келаётган йигитларимиз, ҳарбий хизматда ҳалок бўлган аскарларимиз оилалари ҳам яхшилик кўришларини истар эдим.

Вильнюсдаги марказий майдонда фанердан тикланган рамзий уйча бўлиб, тўрт ойдан буён бир неча киши алмашиб, Литва йигитларининг ҳарбий хизматда ҳалок бўлаётганига қарши очлик эълон қилиб ўтирибдилар. Улар жумҳурият ташқарисида йигитларнинг ҳаёти, соғлиғи сақланишига кафолат йўқлиги сабабли энди ҳарбий хизматни ўз жумҳуриятларида ўтказишни таклиф қилмоқдалар. Бу таклифни ўйлаб кўриш керак, албатта. Шу уйчанинг ёнида рамзий қабр тикланган. Унда Улуғ Ватан урушидан кейинги 45 йиллик даврда ҳарбий хизматда ҳалок бўлган (Афғонистондан ташқари) 132 йигитнинг исм-шарифи битилган. Унинг тагига ҳар куни гуллар қўйилади. 1989 йилда жумҳуриятимиздан ҳарбий хизматга кетганларнинг 430 нафари тирик қайтмади. Бу бир йилда-я! Мамлакат ичкарисида уч йилда ҳалок бўлган ўзбекистонлик аскарларнинг сони ўн йилда Афғонистонда ҳалок бўлганларнинг сонидан кўпроқдир.

Хайрия фондига тушган пулдан ҳарбий хизматдан тобутда қайтганларнинг оиласи учун, ногирон қайтганлар учун санаторий қуришга маблағ ажратилиши керак. Улар мамлакат ичкарисида ҳалок бўлдилар. Агар Афғонистонга тушганда, улар ҳам қаҳрамонлик кўрсатишга қодир, мард йигитлар эдилар.

25 соат давом этган телепойга ташаббускорлари ва ташкилотчиларидан миннатдор бўлган ҳолда, ушбу хайрли ишни давлат миқёсида амалга ошишини истар эдим. Халқ саховатини кўрсатди. Энди давлатнинг саховатини, шафқатини ҳам кўрсак эди.

Карим БАҲРИЕВ,
Ўзбекистон ССР халқ депутати.

Меҳр-шафқат кўриги

Ўзбекистон телевидениеси ташаббускорларидан бири бўлган Наврўз хайрия жамғармасига пул ўтказиш — қутлуғ айёмнинг кейинги кунлари ҳам давом этмоқда. Телевидениега келаётган маблағлар ўтказилганлиги ҳақидаги телеграммалар оқими узилгани йўқ. Улардан айримларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

* * *

Тошкент шаҳри 73427-код, Наврўз жамғармасига.

Мен Шуҳрат Тиллаев телевизор орқали берилган кўрсатувда 13 ёшли тенгдошим — Ойбек исмли болани кўрдим. Коптоқ сотиб оламан деб юрган 15 сўм пулимни унга юбораман. Мендан салом етказсангизлар. Бухоро вилояти, Конимех ноҳияси, Максим Горький кўчаси, 3-уй.

* * *

Денов шаҳри матлубот жамиятига қарашли ширкат универмаг жамоаси номидан биз тўрт юз сўм пул жамғармамизни ногиронлар номига ўтказамиз. Универмаг жамоаси номидан Т. Раҳмонов.

* * *

Бутун жумҳурият халқларини Наврўз байрами билан табриклайман. Шу жумладан, Қўрғонтепа ноҳия ногиронлар уйи директори Тўлқинжонни ва унинг ходимларини ҳам. Ўзимнинг чуқур миннатдорчилигимни изҳор қиламан. Шу болалар уйида ётган Рустамжоннинг онаси Шавкатхон. Ойбекка ўзимнинг арзимас совғамни ўзим топшираман. Андижон вилояти, Марҳамат ноҳияси.

Тошкентда Хоразм вилояти маданияти кунлари

Матназар АБДУЛҲАКИМ Хоразм вилоятининг Урганч ноҳиясида туғилган. Таганрог Давлат педагогика институтининг филология факультетини тамомлаган. «Тиниқ тонглар», «Фасллар қўшиғи», «Мавж» шеърий тўпламлари муаллифи. СССР Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси.

Қуйида унинг янги шеърлари билан танишасиз.

ВАТАННИ ИЗЛАШ

Эмасдир фалон минг аҳоли,
Ватан фалон фарсаҳ масофа эмас.
Уни яша. Йўқса кечмайдир ҳоли,
Ватан — хўрсиниқдир, ватан бу — нафас.

Ватан бу — тоғ. Метин — мустаҳкам,
Лекин хавотирдан юракда ғамдир.
Ватан бу япроқдан томай-томай деб
Милтиллаган омонат шабнамдир.
Шу қаршингда чақнаб қуёшдек балққан
Қаро кўз ватандир, Ватаним.
Йилигингни ёриб, тилингга қалққан

Яро сўз ватандир, Ватаним.
Ватан — сен. Ўзингга бир разм солиб,
Эътибор қил, дўстим, бир замон.
Ватаннинг мўъжаз бир тимсоли
Бўлмасанг, бу — ёмон.
Ватандан ҳам буюк ватан бор,
Мақсад шу ватанни йўқ қилмасликдир.
Бу Ватан — бошқа бир инсоннинг
Ватанига кўзин лўқ қилмасликдир!

АФСУН

Руҳингни гар қилса қоронғу
Манглайингни қорайишлари,
Вужудингга тўлдирса оғу
Оқ олтиннинг қора ишлари,
Тий андуҳнинг лаънати нафсин,
Тишлатиб қўй фарёдларга мум.
Ва — сабр қил. Бошлаймиз афсун.
Ўзни унут... кўзларингни юм...
Таъқиб йўқ сўз деганинг учун,
Шафқатли бир мамлакат, мана.
На миннат бор еганинг учун,
На ичганинг учун бор таъна.
Фуқаро бўл. Иккиланма. Кел.

Қадамингга зордир бу диёр.
Сени четлаб қўймайди бу эл,
Дахлсиздир бунда ихтиёр.
Шавқ дилингга жилолар қалар
Чарақлаганситоралардан.
Керак эмас рухсатномалар
Турли — махсус идоралардан.

Луғатида йўқдир изтироб,
Кулфат бунда кўп фавқулодда.
Барқарордир қонунларида
Ёлғиз бир боб, танҳо бир модда.

Бунда фақат — баҳор, фақат — куз,
Кўзлар чарос, лаблар ақиқдир.
Манъ қилинган ишқдан бўлак ҳис,
Бахтдан бўлак тақдир — таъқиқдир!

ЎРИК ДАРАХТИ

Чарақлаб турсанг бас, қуёшим,
Булар нима деса десинлар.
Тўксинлар, обрўйим камаймас,
Обрўйим мевадир — есинлар.
Қани, тош отмоқчи ана ким
Шафқатни юракка жо қилмай.
Розиман. Кўмилсин данагим
Ҳеч кимнинг бошида чақилмай.
Ҳеч қачон қилмасман дод, таъна,
Гарчи яшаяпман кўп ҳориб.

Гарчи қилмоқдалар тот таъма
Мени шўр сув билан суғориб.
Асло йўқ руҳимда кек, алам,
Гарчи кўп хазонлар олддадир.
Гарчи биладирман, сўнгги дам
Мен ейдиган «мева» — болтадир.

ЎЗГАРИШ

Ўлтатиб бўлдилар соҳилларида
Аму, Сирдарёлар оҳуларини.
Ҳар пахта пайкали, ҳар шолипоя
Қуймоқда уларга оғуларини.

Икки кокил эди бу икки дарё
Товланиб, завқлар бахш этгувчи жонга...
Дўнаётир энди элни ўраб турган
Иккита заҳарли илонга.

Матназар АБДУЛҲАКИМ.



Раққоса хиром айлар...

Е. Ботиров сурати.

Бўёқларда она-юрт тасвири

— Мана бу расмларга разм солинг-а: шаҳримизнинг инқилобдан бурунги қиёфаси шундай бўлган. Ҳозир унинг ўрнида маданият кошонаси қад ростлаган.

— Йўғ-е, сира-сира ишонгинг келмайди. Наҳотки бу ўша маданият ва истироҳат боғининг олдинги даврдаги ҳолати бўлса.

— Ҳа, ҳа ишонаверинг. Яхшиям инқилоб ғалаба қозониб, халқ хурликка чиқди. Энди унинг мадҳи ижодда, ранг тасвир бўёқларда...

...Педагогика билим юртида ташкил этилган ёш ҳаваскор рассомлар кўргазмасини томоша қилар эканмиз, баҳс-мунозаралар, ўзаро гурунглар диққатимизни тортади. Ёш мусаввирларнинг инқилобнинг 70 йиллигига атаб тайёрлаган кўргазмаси мухлисларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

— Биз буни сира кутмаган эдик, — деб ҳикоя қилади билим юрти комсомол қўмитасининг котиби Дилором Машарипова. — Юбилейга совға тайёрлаяпмиз холос, деб ўйлаган эдик. Ҳаммаси шонли сана нишонланишига атиги бир ҳафта қолганда бошланди. Ўз ишларини тақдим этган ёш рассомлар алоҳида кўргазма ташкил этиш, унга билим юртининг бошқа талабаларини ҳам жалб қилиш керак, деган таклиф киритишди. Биз рози бўлдик. Шу заҳоти конкурс низоми ишлаб чиқилди. Натижаси эса мана: кимга биринчи ўринни беришга ҳайронмиз. Чунки ўта кучли жюри ҳайъати тайёрлашни унутган эканмиз.

Бунинг ҳам йўли топилди. Билим юрти маъмурияти, партия ташкилоти, комсомол қўмитасининг бу хайрли бошланмасини маъқуллаб, конкурсни бироз кечроқ якунлашга, ғолибларни моддий ва маънавий рағбатлантиришга маблағ ажратишга сўз берди.

— Мен чизган расмларим кўргазмадан ўрин олган деб ўйламагандим, — дейди 3-курс талабаси М. Собирова. — Лекин шу кўргазманинг ўзи биз ёш мусаввирларда умид уйғотди: демак ўз ишларимизни йирик кўргазмаларга ҳам тақдим этсак бўларкан...

Хоразм инқилобининг 70 йиллигини акс эттирувчи ранг-баранг расмлар кўргазмани кундан-кунга бойитиб бормоқда. Ҳаваскорларнинг ҳам қизиқиши катта. Айниқса, талабалардан М. Сапаева, Д. Бобожонова, Д. Давлетова, Р. Рўзметова, Ш. Отабоева, М. Ҳусаинова, С. Отажоновалар янги картиналар ижод қилиш устида иш олиб бормоқдалар.

— Билим юртимизнинг расм ва чизмачилик факультети талабалари ҳамма вақт ташаббускор, — дейди биз билан суҳбатда илм маскани директори Р. И. Билолова, — бинонинг ички ва ташқи кўринишини, безакларига шу факультет ўқитувчилари жило беришган. Эндиликда шогирдлар уларнинг ортидан эргашишяпти. Ёш рассомларнинг ишлари жумҳуриятимиздаги билим юртлари мусаввирларининг орасида намуна бўлиб қолса ажаб эмас.

Ш. МАШАРИПОВ.

ТВ

25 МАРТ — ЯКШАНБА

ХОТИРА КУНИ

ЎзТВ I

9.00 «Ассалому алайкум». Мусиқий ахборот.

10.00 «Улуғбек юлдузи». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 11.35 Ёш спортчи мактаби. 1. Кураш. 2. «Шоҳруҳ» клуби. 12.40 Мактаб ўқувчилари учун. «Светофор». 13.40 Ёш олимлар телеклуби. 14.25 «Алифбо сабоқлари». 15.00 «Мукаррама опа ва қирқ гўзал». Фильм-концерт (Ўзбектелефильм»). 15.50 «Спорт, қишлоқ ва фантазия». Ҳужжатли фильм. 16.15 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Мушоҳада баҳси». 17.45 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Гуслярдаги мўъжизалар». Қўғирчоқ фильм. 18.30 Мактаб ўқувчилари учун. «Китоб — бизнинг дўстимиз». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Фильмотекамиз жавонидан». Киноконцерт. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Анъаналар этади давом». Мусиқий программа. 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 Мукаррама Турғунбоева номидаги хизмат кўрсатган Давлат «Баҳор» рақс ансамблининг концерти. 23.30 Кўрсатувлар программаси.

ЎзТВ II

ДУШАНБЕ КЎРСАТАДИ:

9.00 «Сапеда». Мусиқий ахборот. 10.05 Реклама. 10.15 «Офарин!». Қувноқ спорт ўйинлари. 11.15 «Ателье». Фильм-концерт. 11.45 «Вершина» тўлқинларида». Бадиий фильм.

* * *

18.05 «Вершина» тўлқинларида». Бадиий фильм. 19.30 «Телетомошабин ҳамроҳи». 20.00 «Ҳафта». Информацион программа. 20.30 Ҳужжатли фильм. 20.45 «Гулчин». Концерт программаси. 21.30 Москва. «7 кун». 22.30 «Фарҳанг ва ҳунар».

МТ I

8.30 Спорт ҳамма учун. 8.45 Ритмик гимнастика. 9.15 «Спортлото» тиражи. 9.30 «Эрта саҳарлаб». Болалар учун кўрсатув. 10.30 «Ватан хизматида». 11.30 Тонгги дам олиш программаси. 12.00 «Саёҳатчилар клуби». 13.30 «Мусиқий киоск». 14.00 «Эллада диёрида». Грециянинг миллий байрами — Мустақиллик кунига. 14.50 Ғалабанинг 45 йиллигига. «Ҳали урушдан аввал». Телевизион бадиий фильм. 2-серия. 15.55 «Тошлар териш пайти». «Дунё шифокорлари ядро урушини олдини олиш учун». Халқаро ташкилотнинг Хиросима конгресси. 17.45 «Қишлоқ янгиликлари». Панорама. 18.00 «Марафон-15» болалар ахборот-публицистик программаси. 19.30 Бутунроссия конкурсининг лауреати А. Бардина чалади (гитара).

Якшанба кинозали

19.45 «Карамзордаги келгинди». Мультфильм премьераси. 19.55 «Ягона йўл». Бадиий фильм («Мосфильм», «Фильмски студио» Югославия). 21.30 «7 кун». 22.30 «Абадият ҳақида ўйлар». 22.45 СССР халқ артисти И. С. Козловский иштирокида телевизион мусиқий фильм.

МТ II

8.30 Зарядкага сафланинг! 8.45 Туркманистон ССР Ашхобод шаҳри болалар филармонияси скрипкачилар ансамблининг чиқиши. 9.20 «Қарсаклар». Ҳужжатли фильм премьераси. 9.40 «Бегона ўйинлар». Бадиий фильм, субтитр билан («Арманфильм»). 11.00 «Она-замин ташвишида». Полесьенинг экологик муаммолари ҳақида ҳужжатли фильм. 11.15 «Қулоқсизлар байрами». Мультфильм. 12.00 «Саёҳатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 13.30 Болалар учун фильм. «Ёввойи Гаврила» («Ленфильм»). 14.40 «Подмосковье гўзали». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси («Сабурово» МЖК телемарказиl). 15.00 «Совет Россияси» видеоканали. 17.30 «Планета». Халқаро программа. 18.30 «Биз яшаётган олам». П. Коганнинг ҳужжатли фильмлари. «Касби — оператор». 19.00 «Киносерпантин». 1-дубль. 20.30 Тўйингиз хайрли бўлсин кичкинтойлар! «Биздачи...». 20.45 «Киносерпантин». 2-дубль. 21.30 «7 кун» (сурдо таржимаси билан). 22.30 «Киносерпантин». 3-дубль. 00.45 «От тарихи». М. Горький номли академик Катта драма театри фильм-спектаклининг премьераси. 02.50 Енгил атлетика. Жаҳон чемпионати. Кросс. Франциядан кўрсатилади.

(Рўзномамизнинг навбатдаги сони 25 мартда чиқади).

«Ёш ленинчи»

«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА 32-56-58
ХАТЛАР БУЛИМИ 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12

Р. —04160. Д — 23203.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.